Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

14 август 1971 йил, шанба ◆ № 186 (15.056). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган IV пленуми республикамиз экономикасини янада ривожлантириш, шу асосда халқнинг гурмуш фаровонлигини юксалтириш билан бевосита боғлиқ бўлган ғоят муҳим масалаларни муҳокама қилди. Алмашлаб экишни жорий этиш асосида чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш ҳамда КПСС XXIV съездининг карорлари асосида капитал қурилишни янада яхшилаш соҳасида республика партия ташкилотларининг вазифаларига қаратилган бу масалалар пленумда ишчанлик ва юксак активлик билан муҳокама қилинди.

Ҳар галдагидек бу сафарги пленум ҳам муҳокама қилинган масалалар юзасидан катта тадбирлар белгилаб, тегишли қарорлар қабул қилди. Докладларда ва музокараларда қатнашган ўртоқларнинг нутқларида ҳар бир масала илмий, амалий жиҳатдан асослаб берилди, айни вақтда халқ хўжалиги у ёки бу соҳасидаги вазифаларнинг қандай бажарилаётгани ҳаётий фактлар, конкрет мисоллар билан таҳлил этилди, хўжаликка рахбарлик қилишнинг усуллари, методлари умумлаштирилиб, бу соҳада тўпланган тажрибалар ёркин акс эттирилди. Шу билан бирга жойларда юз бериб келаётган нуқсонлар, айрим кадрларимизнинг фаолиятидаги камчиликлар партиявий позицияда туриб принципиал танқид қилинди, навбатдаги вазифаларни амалга оширишнинг анниқ ва реал йўллари, имкониятлар ва резервлари кўрсатиб ўтилди.

Пленумда ҳар икки масала муҳокама қилинар экан, даставвал шу нарса таъкидландики, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети партия XXIV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириш йўлида муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Ўтган иккинчи беш йилликнинг улуғвор вазифаларини амалга ошириш йўлида ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларга жўш уриб турган зўр сиёсий активлик, меҳнат кўтаринкилиги, умумхалқ мусобакасининг қудратли кучи шундай самаралар беряптики, бунинг натижасида бутун мамлакатимизда бўлгани каби республикамизда ҳам тўқкизинчи беш йилликнинг биринчи ярим йиллиги плани катта муваффақиятлар билан якунланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленуми муҳокама қилган масалалар КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида катта босқич бўлиб, республикамиз партия, совет, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг, барча коммунистлар ва меҳнаткашлар оммасининг асосий диққат эътиборлари ниҳоятда муҳим навбатдаги масалаларни ҳал этишга қаратилгандир.

Саноат соҳасида бўлгани каби республикамиз қишлоқ хўжалигининг иўп тармоқлари юксалиб бормоқда. Айниқса, пахтачилигимиз ойдин йўлга, барқарор ривожланиш йўлига тушиб олди. Модомики шундай экан, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган чорвачилик ҳам юксак марраларга кўтарилиши керак. Бунинг учун, даставвал, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамламоқ зарур. Пленум бу соҳадаги ишларни чуқур анализ этди. Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган ибратли ишларни қайд қилиш билан бирга бу соҳада ҳали жиддий камчиликлар борлигини, бу, даставвал, партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар ва совхозлар чорвачиликни юқори сифатли ем-хашак билан тўла-тўкис таъминлашга, мавжуд резерв ва имкониятларни ишга солишга, алмашлаб экишни жорий қилишга, хўжаликнинг бу муҳим соҳасини механизациялашга етарли эътибор бермаётганликларини алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Пленум чорвачиликда юз бериб келаётган ана шу камчиликларни тезда тугатиш ва бу соҳани етакчи тармоқлардан бирига айлантириш учун конкрет тадбирлар белгилади. КПСС XXIV съезди қарорлари асосида республика партия ташкилотлари олдига янги улкан вазифалар — пахта етиштиришни кўпайтириш билан бирга, чорвачиликни планли равишда юксалтириш таъминлаш, тўқкизинчи беш йилликда гўшт етиштиришни 1,5 баравар, сут етиштиришни 1,6 баравар ва тухум етиштиришни 1,7 баравар кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми область, район партия комитетлари, совет, хўжалик органлари зиммасига чорвачиликка муносабатни қатъиян яхшилаш, қишлоқ хўжалигининг бу соҳасини малакали, омилкор, ишчан ва ташкилотчи кадрлар ҳамда мутахассислар билан мустаҳкамлаш, чорвадорлар учун зарур ҳамма шарт-шароитларни яратиб бериш, фермалардаги бошлангич партия ва комсомол ташкилотлари, партия ҳамда комсомол группалари жанговарлик фаолиятини ўстириш вазифасини юклади. Шу билан бирга чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш, беда, маккажўхори ва бошқа озуқабоп экинлар майдонини кенгайтириш, яйловларга сув чиқариш, чорвачиликни механизациялаш даражасини кескин ошириш, моллар ва қўйлар туёғини кўпайтириш билан бирга чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг энг мақбул воситалари — паррандачилик ва қуёнчиликни кескин ривожлантириш — партия ва совет, комсомол ташкилотлари, хўжалик органларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Пленум муҳокама қилган иккинчи масала — капитал қурилишни яхшилаш борасидаги вазифалар ҳам ниҳоятда катта ва масъулиятлидир. КПСС XXIV съезди социалистик ишлаб чиқаришнинг юксак суръатлари негизида унинг самарадорлигини ошириб, илмий-техника тараққиёти асосида ҳамда меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш йўли билан меҳнаткашлар оммасининг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини анча оширишни тўқкизинчи беш йиллигининг асосий вазифаси деб белгилаган экан, бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда капитал қурилиш алоҳида аҳамият касб этади. Совет қурувчилари Ватан олдидаги муқаддас бурчларини чуқур ҳис этиб, меҳнатда мардлик ва жасорат кўрсатмоқдалар, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқани тараққий эттиришга, халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга, социалистик маданиятимизни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг қўли билан яратилган янги завод-фабрикалар, шаҳарлар ва қишлоқлар бунёдкорларимиз меҳнатининг самарасидир. Пленум республикада капитал қурилиш борасида эришилган улкан натижаларни зўр қониқиш билан қайд қилди ва бу соҳада катта, анча юксак даражада қилинадиган ишларни белгилаб, партия, совет, хўжалик органлари амалга оширадиган режаларни кўрсатиб берди.

Капитал қурилиш соҳасидаги муваффақиятлар қанчалик катта бўлмасин, лекин янги беш йилликдаги вазифалар яна ҳам улкандир. Бироқ бу соҳада юз бериб келаётган жиддий нуқсонлар ҳам бор. Пленум кўрсатиб ўтганидек, айрим министрлик ва муассасаларда ҳанузгача капитал маблағларни сочиб юборишдек ёмон практикага хотима берилган эмас. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида тайёрланмаяпти. Қурилиш ва монтаж ташкилотларининг кўпчилиги давлат пудрат ишлари планини бажармаётирлар. Қурувчилар ўртасида қўнимсизлик ҳоллари учраб туради. Маблағларни беҳуда ҳаражат қилиб юбориш фактлари ҳам бор. Айрим область, шаҳар ва район партия комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, капитал қурилишда юз бериб келаётган ана шундай жиддий камчиликларни туғатишда чинакам жонбозлик кўрсатмаётирлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республика партия, совет ва хўжалик органларининг энг муҳим вазифаси тўқкизинчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан КПСС XXIV съезди директиваларини бажаришдан, ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жой ҳамда маданий-маиший муассасаларни қуриш ва фойдаланишга топширишдан иборат деб ҳисоблади. Капитал маблағларни планлаштиришни кескин яхшилаш, ажратилган маблағларни турли объектларга сочиб юбориш каби нотўғри практикага барҳам бериш, иқтисод ва тежамкорликни қатъиян яхшилаш, қурилиш ва монтаж ташкилотлари ишида юксак иқтизом ва қатъий тартиб ўрнатиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштириш ва бошқа шунга ўхшаган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши партия ва совет ташкилотларидан капитал қурилишга раҳбарликни ҳар жиҳатдан кучайтиришни талаб этади.

Пленум республикамиз партия ва совет органларини, барча коммунистларни, комсомолларни, ишчилар ва колхозчиларни халқ хўжалигининг энг муҳим соҳалари бўлган чорвачиликни ва капитал қурилишни янада ривожлантириш учун бутун кучларини, қобилият ва талантларини сафарбар этадилар ҳамда КПСС XXIV съезди белгилаб берган коммунизм қурилишининг улуғвор вазифаларини бажаришни таъминлайдилар, деб ишонч билдирди.

АҲМАД Туронов Оққўрғон районидаги Навоий номли колхознинг уста сувчиси. У айни шу кунларда иккинчи бригада далаларида ғўзаларга моҳирлик билан оби-ҳаёт тарамоқда. Суратда: сувчи А. Туронов.

А. Абалян фотоси.

Фотолавҳалар

Республикамиз пойтахтидаги «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг чеварлари партия аъзоси Пўлатой Абдураҳмонованинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Абдураҳмонова ўз касбини ёшларга ўргатиб боради. У фирмада тўқкизинчи беш йиллик планини муддатидан олдин бажариш юзасидан қўшимча шахсий социалистик мажбурият олган. Пўлатой опа беш йилликни уч ярим йилда адо этмоқчи. Пастдаги суратда эса Тошкент. даги «Союзхлопкомаш» заводининг илғор ишчиси Р. Содиқов. Пайвандчи кундалик топшириқларни доимо ортиғи билан бажаради.

М. Нурриддинов фотолари.

«ЛУНОХОД-I» ТАДҚИҚОТЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Олис Космик алоқа маркази, 13 август. (ТАСС). Совет Луноходининг Ойдаги ўнинчи куни тугай деб қолди. 12-13 августда ўтказилган алоқа сеансларида ўзиюрар аппарат Ой юзасида ҳаракат қилишни давом эттирди. Ой юзасидаги янги жойларнинг манзараларини акс эттирувчи янги суратлар, шунингдек космик фазонинг физикавий холатини навбатдаги ўлчаш натижалари олинди.

Телеметрик информация маълумотларига қараганда Луноходга ўрнатилган системалар қониқарли ҳолатда турибди. Навбатдаги алоқа сеансини ўтказиш 14 августга тайинланди.

ХУШХАБАРЛАР

ИККИ ЙИЛЛИК ОЗУҚА

Оққўрғон районидаги Ленин номли колхоз меҳнатчилари дагал хашак тайёрлаш юзасидан олган оширилган мажбуриятларини бажардилар. Бу хашак икки йилга етади. Пичан тайёрлаш давом этмоқда. Бедалар яна икки марта ўриб олинади.

Оққўрғон районидаги «Ленинобод», Войтинцев номли, «Победа», колхозлари ва бошқа хўжаликлар ҳам дагал хашак тайёрлаш мажбуриятларини муддатидан олдин бажардилар.

ЯНТОҚДАН СЕНАЖ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Жодидан чиқарилган янтоққа ҳар хил ўтлар қўшилса, ғоят тўйимли яхши сенаж ҳосил бўлади. Самарқанд область Ургут районидаги Крупская номли колхоз тажрибаси буни яққол кўрсатиб турибди. Райондаги кўпгина хўжаликлар ана шундай сенаж ғамлаб олмоқдалар. Сойлар бўйида ўсиб ётган беҳисоб янтоқни ўриб олиш учун махсус бригадалар юборилди.

МАШИНАДА СУҒОРИШ ОТРЯДИ

Иштихондаги «Халқобод» колхозида машинада суғориш отряди тузилди. Ҳамма насос установкалари шу отряд ихтиёрига бериб қўйилди. Натижада колхозлари сув қўтариш ускуналарини ишлатиш ва ремонт қилиш жуда яхшиланди. Отряд суғориш даврида қўчма установкалардан усталик билан фойдаланмоқда. Хўжаликдаги экинзорларнинг учдан бир қисми насослар ёрдамида суғорилмоқда.

(ЎзТАГ).

Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Республикамизда сабзавот, мева, узум ва картошка тайёрлаш қандай боряпти?

Бу йил баҳорнинг бирмунча совуқ келиши ва ёзда сувнинг камчил бўлиши сабзавоткорлар, боғбонлар учун анча қийинчиликлар туғдирди. Лекин деҳқонларимиз ана шу қийинчиликларни мардонавор енгиб катта муваффақиятларга эришдилар. Республикамиз бўйича сабзавот тайёрлаш суръатлари ўтган йили шу вақтдагига қараганда анча жадал боряпти.

10 августга қадар республика бўйича 232,3 минг тонна ёни ўтган йили шу вақтдагига қараганда 47 минг тонна кўп сабзавот тайёрланди. Тайёрланган картошка эса 29,8 минг тоннадан ошиб кетди. Бу миқдор бултур шу вақтгача тайёрланган картошкадан 4,3 минг тонна кўп демакдир. Мева тайёрлаш йиллик плани 39 процент адо этилди. Узум узиш ва давлатга топшириш бошланди.

Ўтган йилнинг шу давридагига қараганда қарийб 4 минг тонна бодринг, 24 минг тонна помидор ва сабзи, ош лавлаги ҳамда бошқа сабзавотлар тайёрланганлиги янги беш йиллиннинг дастлабки йилида бу соҳада анча силжиш рўй берганлигини кўрсатиб турибди. Шунга қарамасдан пиёз ва ҳўл мева тайёрлаш суръати бултургига қараганда суст бораётир.

Сабзавот тайёрлашда Сурхондарё области олдинда бораётир. Бу ерда йиллик планнинг 81,7 процентга миқдорида сабзавот тайёрланди. Бу республикада энг юқори кўрсаткич ҳисобланади, Сурхондарёликлар картошка топшириш планини 108 процент бажардилар.

Хоразм областининг боғбонлари ҳам ҳўл мева тайёрлаш планини бажариб қўйдилар. Бухоро области ҳамда Қорақалпоғистон АССРда мева тайёрлаш қизғин давом эттирилмоқда.

Тошкент областининг хўжаликлари маҳсулот тайёрлашда катта ўрин эгаллайди. Улар беш йиллиннинг биринчи йилида 231 минг тонна сабзавот тайёрлашлари керак. 10 августга қадар бу соҳадаги топшириқ 34,2 процент адо этилди. Тошкентликлар помидор ва пиёз тайёрлашда айниқса орқада қолмоқдалар. Пойтахт области картошка тайёрлаш топшириғини 59,5 процент, ҳўл мева тайёрлаш топшириғини 25,8 процент, узум тайёрлаш планини 0,9 процент бажардилар.

Самарқанд областида ҳўл мева ва сабзавот тайёрлаш суръатлари ўтган йилдагидан суст. Областда сабзавот тайёрлаш плани атиги 26,8 процент, картошка — 21,3 процент, ҳўл мева—34,4 процент бажарилди. Сирдарё ва Қашқадарё областларида ҳам бу иш сусткашлик билан олиб борилмоқда.

Кўпгина хўжаликларнинг далаларида, токзорларида етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олиш ва нобуд қилмаслик мақсадида катта ишлар амалга оширилаётир. Афсуски, Самарқанд, Сирдарё областларидаги ҳамда Қорақалпоғистон АССРдаги баъзи колхозларда сабзавот экинларини ўт босиб кетган ёки экинларни чанқатиб қўйилган. Натижада ҳосилдорлик камайиб маҳсулотнинг сифати бузилмоқда.

Республика тайёрлов органлари катта иш қилишяпти. Масалан, матлубот жамияти тармоқлари бўйича сабзавот тайёрлаш плани 45,2 процент, картошка — 50 процент, ҳўл мева тайёрлаш плани эса 61 процент бажарилди. Шунга қарамасдан, Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё ва Хоразм областлари матлубот жамиятларининг тайёрлов органлари бу соҳада анча орқада қолмоқдалар.

Республика Савдо ва Озиқ-овқат саноати министрликлари ҳам сабзавот ва ҳўл мева тайёрлашда ўз имкониятларидан етарли фойдаланмаётирлар.

КПСС XXIV съезди аҳолига кўпроқ сабзавот ва мева-чева етказиб бериш йўли билан меҳнаткашлар таъминотини яхшилаш зарурлигини таъкидлаб ўтган эди. Сабзавоткорларимиз, боғбонларимиз, барча соҳибкорларимиз бу вазифани шараф билан бажаришга даъват этилгандирлар.

Партия, совет, қишлоқ хўжалиқ, тайёрлов органлари сабзавот, картошка, мева, узум ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш юзасидан бу йилги мажбуриятларнинг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлашлари керак.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ЖАС ЛЕНИНЧИ» ГАЗЕТАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон АССР ёшларини коммунистик руҳда тарбиялашдаги хизматлари учун ва биринчи сони босилиб чиққан кунининг 40 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Қорақалпоғистон область комитетининг органи «Жас Ленинчи» газетасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1971 йил, 13 август, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. ОМОНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика матбуотини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Қорақалпоғистон область комитетининг органи «Жас Ленинчи» газетасининг редактори Абдураззоқ **Омоновга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА

1971 йил 13 август, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ БИР ГРУППА ХОДИМЛАРИГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон кино санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин:

Ахмедов Жалол Сандович — овоз оператори.

Мелкумов Михаил Аркадьевич—киносценарист.

Рашрагович Юрий Исакович—картина директори.

Тюменев Фуад Касимович — пиротехника устаси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА

1971 йил 13 август, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Қорақалпоғистон область комитетининг органи «Жас Ленинчи» газетасининг энг яхши хизмат кўрсатган ходимларини, штатсиз мухбирларини ҳамда «Правда»нинг 50 йиллиги номидаги Нукус полиграфия комбинатининг энг яхши намуна кўрсатган ходимларини ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишидаги катта хизматлари учун ва шу газетанинг биринчи сони чиққан кунининг 40 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институтининг шишасоз устаси Иван Николаевич **Полтарацкийни** илмий муассасаларнинг лабораторияларида узоқ йил самарали ишлагандиги, малакали шишасоз усталар тайёрлаб етиштиргانлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

КУСТАНАЙ, 12 август. (ТАСС). Кустанай области мамлакатимизнинг энг йирик галлакор районларидан биридир. Бу областда бир неча миллион гектар майдонда баҳори буғдой етиштирилади. Область қисқа вақт ичида вужудга келтирилган ўз саноати билан ҳам ном чиқарди. Кустанай области қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришган катта муваффақиятлари учун, ўтган беш йилликда бир миллиард пуд дон етиштириб, давлатга сотиш планларини ошириб бажарганлиги учун иккинчи Ленин ордени билан мукофотланди.

Бугун Кустанайдаги Касаба союзлар саройида Қозоғистон область партия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари область Советининг тантанали мажлиси бўлди. Бу мажлис ҳукуматнинг юксак мукофоти топширилишига бағишланди.

Мажлис аҳли КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаевни самимий кутиб олди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросидан иборат составда фахрий президиум баланд руҳ билан сайланади.

Ўртоқ Д. А. Кунаевга сўз берилади.

Д. А. Кунаев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан, шунингдек, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан мажлис аҳлини ва улар орқали Кустанай областининг ишчилари, колхозчилари, зиёлиларини юксак мукофот билан мукофотлаб қилди, уларнинг коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини тилади.

Д. А. Кунаев СССР Олий Совети Президиумининг Кустанай областини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб бериб, ҳаммаларнинг гулдурос, давомли қарсаклари остида олий орденни область байроғига тақиб қўйди.

Мажлис қатнашчилари ғоят баланд рух билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табриклама қабул қилдилар.



Қўқон шаҳридаги корхоналарда республикамизнинг кўлгина завод ва фабрикаларидаги каби тўқизинчи беш йилликнинг янги-янги қаҳрамонлари юзага келмоқда. Улар 1971 йил планини муддатидан олдин бажариш юзасидан зиммаларига қўшимча социалистик мажбурият олиб ишламоқдалар. Қўқон машинасозлик заводи токари (чапдан) Абдуманнон Аблаёров, пайпоқ тўқув-ип йигирув комбинатининг ишчиси Munaвар Ҳайдарова ва «Электромаш» заводининг слесари Р. Конеевлар ана шулар жумласидандир. Улар смена топшириқларини 130-140 процентга етказиб адо этишяпти.

В. Сироткин фотолари.

ВИСОЛ ЯҚИН

ҚАРШИ ЛАВҲАЛАРИ

Қарши чўлидамиз. Яхлит, заъфарон, сўнгсиз дашт. Июль ўртаси. Офтоб ўз ўрдасига кўтарилиб, ҳамма тандирларига баравар ўт қалаган. Оташ ҳаво дамни кесади. Олис уфқларда тўзон девори. Шамол ободон пишиб гармсел бўлади бу ерда...

Аммо чўлда ҳаёт қайнайди. У уйғоқ. Асфальт йўлда машиналар карвони. Улар насос станциялари томон боряпти. Қурилишга жуда зарур бўлган юкларни элтяпти. Бетон каналлар, электр линиялари, уй қуриш комбинатлари, янги-янги шаҳарчалар бир эум саҳро саробларини эсга солади. Лекин бу ҳақиқатлигини ўз кўзинг билан кўриб турасан. Партиямиз XXIV съезди Директиваларида тилга олинган, номи эл-юрт оғзига тушган қадимий чўл яшармоқда. Бу чўлда 1 миллион гектардан ошиқроқ янги ер очилиб, пахтазор, боғу-роғ бунёд этилиши керак. Нур ва гул водийси бўлади дашт. Чўлни бутун мамлакат гуллатишга азм этган. Бу ерда коммунистнинг иродаси, ёшликнинг чексиз куч-қуввати, улуғвор техника қудрати ишламоқда. Бу ерда дўстлик ва қардошлик камарбастадир. Бундаги гигант қурилиш, жасоратли кишиларни кўриб, дилда пайдо бўлган баъзи ўйларни қоғозга туширдим.

●

Ишқ йўлида нелар содир бўлмайди! Фарҳод тоғ кесибди, Мажнун саҳро кезибди, Отелло бағрини рашк ўтида ёқибди, Тоҳир сандиқда — дарёда оқибди.

Ҳа, Зуҳра ишқида Тоҳир Амударёда — тор сандиқ ичра бағри лахта-лахта қон бўлиб оққан эди. Бу ҳақда афсона ҳам, достон ҳам, эртак ҳам, қўшиқ ҳам, кино ҳам, театр ҳам бор.

Июлнинг иссиқ-оташ кунларида Қарши чўлида, туркман чегараларида, Аму бўйларида кезмоқнинг ўзгача гашти бор. Бунда Чўл билан Дарёнинг висол тўйига бош-қош бўлган минглаб фидойилар даврасига тушасиз, қизғин тараддуд завқи билан яшайсиз. Бу ердаги улкан ишнинг сардорларидан бири Тоҳир Эргашев билан суҳбатлашиб қолдим. У оддий, камтар йигит, коммунист. Барваста қадди, шамол ва қуёшдан қорайган кенг, очиқ чеҳрасида қатъият ва мардлик нишоналари. Асли Қаршидан. Тошкент ирригация институтида таҳсил кўрган. Эски Ангор каналида жонбозлик қилган. Энди бу ерда — чўлнинг қоқ белида ишлаяпти. Мураккаб, ижодий ишнинг марказида жавлон уради. Амударё бўйидаги 1-насос станцияси қурилишининг бошлиғи. У билан изма-из одимлаб, қурилиш оқимига шўнгиймиз. Котлованда иш бараван. Бетон иншоот, улкан қувурлар ҳавозасида сўнгги юмушлар боряпти. Пайвандчилар, монтажчилар, кўтарма кран усталарининг қўли-қўлига тегмайди.

Тоҳир аканинг уқуви, билими, маслаҳати, одамийлиги катта рўзғор меҳнатига чирмашиб кетганини кўрдим. Ўз касбининг ошиғи бўлган бу киши, менга нимаси биландир афсонавий Тоҳирни эслатди. Илгари Амударё Тоҳирни оқизган бўлса, энди бизнинг Тоҳир Амударёни чўлга оқизиб, ўз бахти, севгисини ардоқламоқда. Бу Тоҳирлар ҳақида ўлмас поэмалар ёзилса арзийди!

●

Қарши чўлини обод қилиш учун Навоий шаҳридан электр қуввати келди. Демак, бу улуғ ишларда ҳазрати Навоийимизнинг ҳам ҳиссаси бор деса бўлади. Эрта-индин Нурек ГЭСидан янги қудрат келиб қўшилади. Демак, Рўдакий ва Жомий қуввати ҳам бу ерга етиб келади. Чўлдаги Ойбек шаҳарчасидан устоз Ойбек ҳам қомат тиклаб, жингала соҳларини силаб, йирик кўзлари билан қувноқ тикилганча: «Биз ҳам шу ердамиз, азизлар!» деб устозларни чин кўнгилдан қутлаб тургандай. Чўлни ўзлаштириш ишига адабиёт ҳам қатнашаётгани қандай яхши.

●

Бепоён, жазирама, яйдоқ чўлнинг ўртасида замонавий ресторан қурилибди. Номи —«Шабада». Чўл қурилишида ишлаётган кишилар шу ерда жиндай қўниб ўтиб, ором олиб, овқатланиб, муздек минерал сув ичиб, яна йўлга равона бўладилар. Бинонинг ён-атрофи мармар ҳовузлар. Фонтанлар шовуллайди. Дарахт шохларида сайроқи қушлар. Бир танобча жой кўм-кўк бўлиб турибди.

Қадим баҳодирлар рақиб билан курашмоқчи бўлганда қўлқопини ечиб, жангга тайёр эканини билдираркан. Бу бир парча гулзор ва танҳо бино ҳам одамнинг чўл билан юзма-юз туриб, курашга даъват этганга ўхшайди.

●

Амударёдан 1-насос станциясигача йигирма чақиримли масофа. Бу ергача сув ўз йўли билан оқиб келиб, олтита қудратли қувурлар орқали бир терак бўйи кўтарилади-да, бетон каналдан навбатдаги станция томон узатилади. Бундай станциядан олтитаси қуриляпти. Булар дарё сувини 132 метр баландликка чиқариб, Толимаржон омборига қуяди. Чўлга сув эса ана шу омбордан таралади. Ҳозир ўша 20 чақиримли масофада жаҳондаги энг йирик ҳисобланган кучли землесос ишлатиляпти. Уни моҳир механизатор Николай Сокол бошқаради. Бунда 18 киши хизмат қилади. Соатига 400 куб метрга яқин тупроқ четга чиқариб ташланади. Бу машина Москва, Ленинград ва Куйбчшев шаҳарларида тайёрланган. Бўлакларга бўлинган ҳолда бу ерга келтириб тикланган. У бамисоли қудратли пароходдай канал ўзанини қум-шағал ва бошқа жинслардан тозалаяпти.

Болаликда бувимга, «булутлар қайдан пайдо бўлади, нега ёмғир ёғади?» деб савол берардим. Бувим: «булутлар Ҳамин дарё (Амударё)-га бориб сув ичиб, сўнгра осмонга кўтарилиб, ерга ёмғир бўлиб ёғади, деб айтардилар. Эмиш, мерган овчилар дарё бўйида тунаб, булутлар сув ичишга келишини пойлаб ётишаркан. Ушанда булутдан бир парча ёки кўпроқ отиб олиб, одамларга даво учун келтирарканлар.

Ҳозир ўша Амударё бўйида турибман. Бу соҳилидан боқсанг у соҳини кўринмайди. Ундан янги йўл очгани келган ватандош қаҳрамонлар, азамат Соколлар менга ўша овчиларни эслатди. Улар бир парча булутни эмас, бутун бир дарёни одамлар зарурати учун чўлга олиб чиқмоқчи.

●

Биринчи насос станцияси қурилишини айланиб юриб, бетончилар даврасига тушиб қолдим. Улар уч қават баландлигида, офтобнинг айни дамида ишлашарди. Баданлари анор пўстидек қип-қизариб кетган. Бир ёнда монтажчилар қуёш алангаси билан ўчакишгандай олов чарсиллатади.

— Илгор бетончилардан бирини кўрмоқчи эдим, — илтимос қилдим Тоҳир акадан. Тамара Бабак деган жувон ёнимга келди. Суҳбат учун сояроққа такляф қилдим.

— Йўқ, шу ерда гаплашамиз, офтобга ўрганганман, — деди Тамара. Эри — Николай Бабак. 9-СМУнинг экскаваторчиси. Тамара — Россияда, салкин ўрмонлар бағрида улғайган қиз. Бу ерда, Осиё қуёшида пишиб, ўз бахтини топди. Гигант қурилишининг долзарб нуқтасида турибди.

— Гап ҳам, меҳнат ҳам офтобда яхши кўчади, — дейди Тамара кулиб. Унинг ўтли мовий кўзларида ғайрат, шиддат учқунланади. Дафтаримни рақамларга тўлдираман-у, бошқа бир нарса ҳақида ўйлаб қоламан.

Кибернетика фанининг отаси Норберт Виннер касбга меҳр ҳақида гапириб, шундай деган экан: «Ҳар бир касб эгасининг ўз масъулияти, кўникмаси бўлади. Масалан, бирор уйга ўт кетса, одамлар саросимада уйдан қочиб чиқа бошлайдилар. Ўт ўчирувчи эса ўзини уй ичига — ўт ичига уради. Мободо ўт ўчирувчи ҳам одамларга қўшилиб уйдан қочиб қоладиган бўлса, унинг касби ўз маъносини йўқотади».

Тамара ишининг энг қизғини, энг оғирига қўл урадиганлардан. Касбнинг поэзиясини чуқур англаган инсон. Унинг мардлигида назокат ҳам, нафосат ҳам мужассам. Узбек Тоҳир Эргашев, рус — Алексей Дробний, туркман — Ашир Бердиев, доғистон эли Карим Исаев ва бошқалар унинг елкадошлари.

Булар ҳамиша катта мақсад билан яшайдилар.

●

Қишлоғимизда Муқим полвон деган қария яшайди. Ёши 85 ларда. Кўпни кўрган, кўпни билган оқсоқол. Кураш тушган, пойга чопган, даврақўрган одам. Ўтмиш ва ҳозирнинг жонли тарихи. Умрини фақат миробликка бағишлаган киши. Айтишларича, ҳамён тушида ҳам сув тутиб, ариқ ёқалаб юрармиш. Қарши чўлида бўлаётган ҳозирги ишларни эшитиб, кўзлари нурланиб кетгандай бўлади.

— Ёш кетди-да, — дейди афсусланиб Муқим бобо, — ана энди ишлайдиган вақтлар келди!

— Йўқ! — дейман ҳаёлан у кишига тасалли бериб, — сизлар биринчи ариқларни, биринчи сўқмоқларни очган кишиларсиз. Катта дарёнинг тепаси ҳам жилғадан бошланади, сўқмоқлар эса улкан, равон йўлга бошлаб чиқади.

●

Тоҳир аканинг кабинетида биринчи насос станцияси биносининг қуриб битирилгандан кейинги ҳолатини тасвирловчи харита осиқлиқ. Бу иморат ташқи кўринишда тахминан Тошкент ЦУМига ўхшаб кетади. Шунақа станциялардан олтитаси қурилятти чўлда. Булар ғоят қимматбаҳо, ноёб иншоотлар. «Уралгидромаш» заводи инженер-техник ходимлари томонидан Қарши чўли учун махсус тайёрланган. Бу улкан агрегатлар ҳаёт сувини— секундига 200 куб метрдан зиёд сувни навбатма-навбат, елкама-елка Толимаржон денгизига етказиб беради.

Келажакдаги 1 миллион 300 минг тонналик Қашқадарё дурдона тоғининг олтита олтин зинапоясига ўхшайди улар!

●

Чўл кечасида юлдузлар айниқса жозибали порлайди. Улар ловуллаб ёнаётган чўпон гулҳанларини эслатади. Йирик-йирик, ёрқин-ёрқин, гўё миллионлаб сирли ирмоқлардан мўъжиза нур қуйилаётгандай. Қарайсан-у, шеър айтинг келади:

Чўл кечаси... Жануб гўзалин
Сочларидай тим қора кеча...
Юлдуз сайри аро нўзларим
Кезиб юрар кўчама-кўча.
Поёнсизлик, тубсиз теранлик
Хаёлдан ҳам чексиз ва олис.
Дўстим тунга қулоқ берайлик,
Юрагини тинглайлик холис.

Чўл кечаси... бир қарашда гўё бўм-бўш, ҳувуллаб ётган сўнгсиз қитъага ўхшаб кўринади. Бироқ янглишасиз. Чўл-ўлик замин эмас. Унинг устида ва қаърида ҳаёт қайнаяпти. Кулоқ соламан: қаердадир қайноқ сув фонтани гувуллаб отилади, қаердадир газ машъаласи уфқни қизартириб ёнади. Ернинг туб-тубидаги чексиз бўшлиқларда нефту-газ уммони мавжланади. Машина фарасига ҳайрон тикилиб тулкилар ўтиб қолади баъзида. Типратикон йўлни кесиб йўрғалайди. Қаердадир сонсиз қўй сурувлари. Ҳозирча янтоқ, шувоқ, каррак — бу ернинг «гуллари». Бироқ эртагачи! Эртага Амударё ойнадай бўлиб чўл жамолини очади. Мовий каналлар чулғайди даштни. Сарин шабадада пахтазорлар тўлқинланади. Чироқлар маржонига само юлдузлари ҳавас-ла боқади. Бу аниқ ва ёрқин истиқбол. Чунки азамат чўлни яшнатувчи дарё жилови улуғ Партиямиз чақиригига «лаббай!» деб жавоб берган баҳодирлар қўлида.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН — ЛИТВАДА

ВИЛЬНЮС, Литва пойтахтида Ўзбекистон халқ хўжалиги ва маданияти ютуқлари виставкаси очилди. Бу виставка шаҳарликлар мириқиб дам оладиган Вингис ўрмон паркида жойлаштирилди.

Кўргазмага қўйилган ўн мингта экспонат ўзбеклар диёрининг саховатини, саккизинчи беш йилликда барпо этилган янги саноат ва қишлоқ хўжалик марказларини тасвирлайди, республика маданий ҳаётининг кўркам манзарасини ифодалайди. Қадимий маданият ёдгорликларига бағишланган экспозиция томошабинларни айниқса қизиқтирмоқда.

Вильнюс кинотеатрларида Ўзбекистон кино усталари яратган ҳужжатли ва бадиий фильмлар фестивали бошланди. (ТАСС).

Кейинги йилларда «Самарқандгеология» трести коллективи янгидан-янги фойдали қазилма конларини қидириб топишда катта изланиш ишларини олиб бормоқда. Суратда: минералогия бўйича инженер Н. А. Горбунова ва Р. Т. Кошубалар янги топилмани лаборатория анализидан ўтказишмоқда.

В. Сироткин фотоси.

КЎЧМА ПОЛИКЛИНИКА

Фарғона область соғлиқни сақлаш бўлими ҳузурида кўчма поликлиника ташкил этилди. Унда хирургия, терапевтика, гинекология ва педиатрия кабинетлари, функционал диагностика ва рентгеноскопия лабораториясі бор. Бу поликлиникада олий малакали врачлар ишлайди.

Белгиланган графикка мувофиқ кўчма поликлиника районларга чиқиб туради. Ундаги мутахассислар қишлоқ врачларига ёрдам берадилар, консультацидлар ўтказадилар, беморларни қабул қиладилар. (ЎзТАГ).

СПРАВКА БЮРОСИ СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

— Ҳурматли редакция! Газета саҳифасида колхоз пенсияси ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламан.

С. БЕКҚУЛОВ.

Сирдарё область, Гулистон райони.

— 1968 йил 1 январдан бошлаб колхоз аъзолари учун пенсия тўлаш эркаклар учун 65 ёш ўрнига 60 ёшдан, хотин-қизлар учун 60 ёш ўрнига 55 ёшдан белгиланди.

Беш ва ундан ортиқ бола туғқан ва 8 ёшгача тарбиялаган колхозчи аёллар 15 йиллик иш стажига эга бўлган ҳолда 50 ёшдан пенсия оладилар. Колхознинг янги намунавий Уставига мувофиқ колхоз аъзоларини пенсия билан таъминлашни колхозлар томонидан амалга оширилиши республикамизда кенгаймоқда.

Уставда колхоз аъзоларининг энг яхши вакиллари, колхоз ишлаб чиқаришининг эўр ташкилотчиларига колхоз томонидан шахсий пенсия белгилаш ва пенсияларнинг барча турларига қўшимча пул тўлаш ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамланган.

◆ ◆

— Совет Армияси сафида хизмат қилмоқдаман. Хизмат муддати тугагач, қўшимча давом эттириш ниятим бор. Ҳарбий хизматни ўтаган ёшларга билим олишда қандай имтиёзлар берилган?

Д. ҲАСАНОВ,

Н.-қисм солдати.

— Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ёшларга СССР Қуролли Кучларининг офицерлари бўлишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Улар ҳарбий мактабларга, шунингдек, олий ва баъзи ҳарбий академияларга кириб ўқишлари мумкин. (Бунда, албатта, белгиланган қабул қоидаларига риоя қилинади).

Граждан ўқув юртларида ўқиб ёшлар ўқиш даврида ҳарбий хизматга чақирилсалар, уларга запасга бўшатилганларидан сўнг ўз ўқишларини ўша ўқув юртида, ўша нурсдан давом эттириш ҳуқуқи берилади.

Армида икки йил хизмат қилганлар олий ўқув юртига қабул пайтида икки йиллик иш стажига эга бўлган кирувчилар билан бир қаторда конкурсда қатнашадилар.

Хизматда алоҳида намуна кўрсатган солдат, матрос, сержант ва старшиналар запасга бўшатилганларидан кейин олий ўқув юртига кириш истагини билдирсалар, ҳарбий қисмлар ва сиёсий органларнинг командирлари томонидан улар олий ўқув юртлари ҳузуридаги тайёрлов курсларига қабул қилинишлари тўғрисида илтимоснома юборишлари мумкин.

Хизмат муддати тугагандан сўнг икки йил мобайнида запасга бўшатилган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналар кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олсалар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинадилар. Агар ҳарбий хизматда улар эгаллаган мутахассислик ўрта махсус ўқув юртининг соҳасига тўғри келса, бундай ҳолларда улар ўқишга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда конкурссиз қабул қилинадилар.

СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

КПСС XXIV съезди социалистик давлат назарияси ва практикаси проблемаларига жуда катта эътибор берди. СССРда ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида социалистик ва коммунистик қурилишнинг бой тажрибасини умумлаштириш асосида съезд давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ленинча таълимотни бойитди ва ривожлантирди. КПСС XXIV съезди социалистик давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ленинча таълимотни ўнг социалистик ва ревизионистик бузиб кўрсатиш йўлидаги уринишларга қақшатқич зарба берди. Съезд В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, шуни алоҳида қайд қилдики, давлат проблемалари илгаригидек ҳозир ҳам кескин кураш масаласи, **«барча сиёсий бахсларнинг энг мушкул, марказий масаласи»** (В. И. Ленин, Асарлар, 29-том. 504-бет) бўлиб қолмоқда.

Ашаддий душманларимиз — буржуа идеологлари, турли ниқобдаги оппортунистлар, догматиклар ва сектантлар социалистик давлат шаънига туҳматлар ёғдириб, социалистик демократиянинг жозиба кучини, халқ учун қадрли бўлган советлар ҳокимиятининг ижодкорлик ролини инкор қилмоқдалар.

Буржуазия малайлари бўлган ўнг социалистлар «демократик», «яхшиланган», «инсонпарвар» социализм деган демагогик шиорларни ниқоб қилиб олиб, марксча-ленинча таълимотнинг энг муҳим қоидасини — капитализмдан социализмга ўтиш даврида пролетариат диктатурасининг тарихий зарурлигини, социалистик давлатнинг яратувчилик кучи ва янги жамият қурилишида коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарлик ролини инкор қилмоқдалар. Ўнг социалистлар социалистик давлат тузумини «либераллаштириш», «демократлаштириш» талабини илгари суриб, халқаро реакциянинг қора кучлари билан тил бириктириб, социалистик жамиятнинг сиёсий ташкилоти негизини қўпоришга, капитализмни тиклашга интилаётган антисоциалистик кучларга йўл очишга уринди лар. Бунга 1968 йилда Чехословакияда юз берган воқеалар яққол мисол бўла олади.

Капиталистик мамлакатларда антикоммунизм давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Антикоммунизм идеологлари марксизмнинг плюрализмини» бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашни социализмга қарши курашнинг асосий формаси деб билмоқдалар, «Марксизмнинг миллий моделлари»ни ва «социализмнинг миллий моделлари»ни кашф этишни рағбатлантирмоқдалар, коммунистик идеология «эррозияси» тўғрисида бўлмагур афсоналар тарқатмоқдалар, «конвергенция» деган сохта назарияни кенг реклама қилмоқдалар.

Антикоммунизм идеологларининг бу уринши бехуда. Ўрток Л. И. Брежнев Германия Бирлашган социалистик партиясининг VIII съездида айтганидек, **империалистик снёсатнинг оғир кризиси, экономиканинг доимий қалқиб туриши, келажакка ишонч йўқлиги, ахлоқ чуқур кризисга учраганлиги — ҳозирги замон капитализмининг манзараси ана шундай. Империализмнинг ҳозирги тараққиёт босқичидаги бу органик иллати ва касалини даволай оладиган реформатор ҳам, табиб ҳам йўқ.**

Социалистик давлатимиз ярим асрдан кўпроқ давр мобайнида икки тарихий босқични ўтди. Биринчи босқич социализм қарор топган даврдир — пролетариат диктатураси давлати даври (1917—1936 йиллар). Иккинчи босқич — умумхалқ давлати барпо этилган ва мустаҳкамланган даврдир.

В. И. Ленин пролетариат диктатурасини ишчилар синфининг мамлакат иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва идеологик фаолиятига раҳбарлиги деб белгилади. Владимир Ильич мамлакат мудофаасини ташкил этиш билан бирга, давлатнинг янги жамиятни барпо этиш йўлидаги, тинч қурилиш бобидаги, ташкилий ва маданий фаолиятини биринчи ўринга қўйган эди.

В. И. Ленин таъбирича, пролетариат диктатураси қонли ва қонсиз, мажбурий ва тинч йўл билан, ҳарбий ва хўжалик, маъмурий ва педагогик тарздаги шиддатли кураш демакдир. У буржуазияга нисбатан қонли, мажбурий, ҳарбий ва маъмурий, меҳнаткаш халққа, кўп сонли майда хўжаликларга— деҳқонларга нисбатан қонсиз, тинч, хўжалик ва педагогик (маданий-тарбиявий) фаолиятини кенг кўламда амалга оширувчи халқ ҳокимиятидир.

Пролетар давлатининг шаҳар ва қишлоқда социалистик хўжаликни ташкил этиш (хўжалик-ташкилотчилик функцияси), шунингдек маданий революцияни амалга ошириш ва янги давр кишисини шакллантириш (маданий-тарбиявий функция) соҳасидаги асосий вазифаси ана шундан келиб чиқади.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги шароитида умумхалқ социалистик давлатининг хўжалик-ташкилотчилик, яратувчилик фаолияти тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Халқ хўжалигини ва маданий қурилишни бошқариш аввало меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари орқали амалга оширилмоқда. Советларда барча социал группалар, барча миллатлар ва халқларнинг манфаатлари бирлиги мужассамланган. Шунинг учун партия хўжалик ва маданий қурилишда Советларнинг ташкилотчилик ролини ошириш йўлини тутмоқда, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларни намунали йўлга қўйишга алоҳида эътибор бермоқда.

Совет давлати олдида турган бу вазифани фақат аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маъносидагина тушунмаслик лозим. Давлатнинг бу янги функцияси пайдо бўлганлиги ҳақида олимлар ўртасида бахс юритар эканмиз, бу ўринда давлатнинг деярли барча органлари — хўжалик, план, социал-маданий ҳамда маъмурий органларнинг маълум социал функцияни бажаришлари устида сўз бораді. Чунки, давлат бошқарув органларининг ҳар бири социалистик ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадига эришиш йўлида бевосита ёки билвосита хизмат қилади. Социалистик давлатнинг хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий функциясидан фарқли ўлароқ, давлатнинг аҳолига кенг кўламда хизмат кўрсатиш ва қулайликлар туғдириш ролини амалга ошираётганда унинг социал функцияси янада аниқ намоён бўлади. Бунда инсоннинг индивидуал ва ижтимоий талаб ва эҳтиёжлари биринчи ўринга қўйилади. Инсоннинг бу талаб ва эҳтиёжлари уй-жой, коммунал, маданий-маиший хизмат кўрсатишни, алоқа ва транспорт йўли билан хизмат кўрсатишни, савдо ва умумий овқатланишни, гражданларнинг сиҳат-саломатлиги ва шахсий даҳлсизлигини муҳофаза қилишни энг яхши уюштириш билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, инсон ҳақида, унинг бахт-саодати тўғрисида гамхўрлик қилиш энг инсонпарвар ва чинакам халқчил социалистик давлат кундалик амалий фаолиятининг асосий мақсадини ташкил этади. Капиталистик, йиртқич империалистик давлатдан социалистик умумхалқ давлатининг принципиал фарқи ва улуғворлиги ҳам ана шунда.

Совет халқи жуда кўп қийинчиликларни енгди, етишмовчиликлар ва жудоликларга онгли равишда бардош берди. Шунда ҳам жамият ва давлатдан тамакилмади. Эндиликда, аҳолининг турмуш эҳтиёжларини энг кўп даражада қондириш пайти келди. Мамлакатимиз ҳам бунинг учун барча зарур нарсаларга эга. Социал хизмат ролини бажариш билан, кенг маънода маданий-маиший хизматни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган социалистик давлат янги функциясининг моҳияти ана шунда.

* * *

Мамлакатимизда социализм ғалабаси илгари жамиятнинг имтиёзли қатлами бўлган эксплуататорлар синфини, жамиятнинг антогонистик синфларга бўлинишини тугатди. Бунинг оқибатида социалистик давлат фаолиятида синфий зўравонлик функцияси барҳам еди. Ярим асрдан сал кўпроқ тарихий давр ичида СССР халқлари ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлар бутун халқнинг социал, иқтисодий ва ғоявий жиҳатдан бирлиги учун шароит яратди. Бу ҳол пролетар диктатураси давлатининг Коммунистик партия раҳбаслиги бўлган ишчилар синфи раҳбарлигида бутун халқнинг сиёсий ташкилотига айланишига олиб келди. Инсоният тарихида биринчи марта давлатнинг синфий ҳукмронлик органидан бирон-бир алоҳида синф манфаатини эмас, балки бутун меҳнаткаш халқнинг социалистик иттифоқи бўлган барча синфлар ва социал гуруҳларнинг манфаатларини акс эттирадиган сиёсий ташкилотга айланиш жараёни юз берди. Бунда давлатимизнинг умумхалқ характери намоён бўлди. Лекин, шуни эсда тутиш керакки, синфлар ҳали мавжуд экан, давлат уларнинг социал манфаатларини акс эттиради ва давлатнинг мавжудлиги жамиятда синфий ва социал фарқлар мавжудлигининг ёрқин далили бўлади. Шу маънода бизнинг давлат меҳнаткаш халқнинг синфий давлати бўлиб, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва совет зиёлиларининг социалистик ва коммунистик мақсадларини амалга ошириш қуролидир. Жамиятда синфий ва социал

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Қ ЎМ-Қ Ў Қ арчазор орасида салобат тўқиб турган муҳташам бино киши диққатини ўзига жалб этаади.

— Қишлоғимизнинг кўрки — ўн йиллик мактабимизнинг биноси шу, — таништира бошлади ҳамроҳимиз. — Термиз районидаги Жданов номли колхоз раиси Абдулфайз Тўраев.

Янгигина капитал ремонтдан чиқарилган мактабдан бўёқнинг ҳиди келиб турибди. Ремонт сифатли ўтказилган, полшифт, парта ва столлар ярақлаб турибди.

— Шу бугуноқ ўқишни бошлаб юборишга тайёрмиз — дейди кувончини яширолмай мактаб директори П. Бўронов.

Мактабни ўз оталигига олган Жданов номли колхоз правлениеси (раиси, халқ маорифи аълочиси А. Тўраев, партия ташкилотининг секретари С. Олтиев ўртоқлар) билим ўчоғини янги ўқув йилига тайёрлашда чинакам ғамхўрлик кўрсатган бошқа жойларда ҳам мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш муваффақиятли адо этилганлигини кўрдик. Масалан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бобомурод Омонов раис бўлган Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхози территориясида жойлашган 12 та мактабнинг ҳаммаси колхоз маблағи, материали ва ишчи кучи ёрдамида июль ойидаёқ тўла ремонтдан чиқарилди.

Рейд бригадаси аъзолари Денов районидаги Пушкин номли, Сариосиё районидаги Ғафур Ғулом номли, Денов шаҳридаги Ломоносов номли, Гагарин райсмидаги Ленин номли ва Менделеев номли, Термиз шаҳридаги Луначарский номли ва «Правда» мактабларида ҳам ремонт ишлари барвақт ва сифатли ўтказилганлигининг гувоҳи бўлишди.

Бироқ юқоридаги муваффақиятлар билан бир қаторда, мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда жиддий хато ва камчиликлар бор. Маълум бўлишича, бу йил областдаги 445 та мактабдан 65 таси капитал ва 380 таси жорий ремонт қилиниши планлаштирилган эди. Шу йил 1 августгача эса 45 та мактаб капитал ремонтдан, 366 мактаб жорий ремонтдан чиқарилди. Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари айниқса Шўрчи, Бойсун ва Шеробод районларида ачинарли аҳволда.

Шўрчи районидаги Гагарин номли наслчилик-қорақўлчилик совхози марказидаги Крупская номли 6-ўрта мактабнинг бир қаноти чўкиб, авария ҳолатига тушиб қолганига бир неча йил бўлишига қарамай, совхоз дирекцияси (директори З. Эргашев) янги мактаб қуриш ишини йилдан-йилга чўзиб келмоқда. Оқибатда бу ерда машғулотлар уч сменада ўтказиляпти. Шу райондаги А. Туробов раис бўлган «Ленинизм» колхозида яна икки ҳафтадан сўнг мактабларда ўқиш бошланиши ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Ахир, бўлмаса шу колхоз территориясида жойлашган капитал ремонт қилиниши планлаштирилган 16-саккиз йиллик мактаб биносига ҳанузгача қўл урилмай турганлигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Бу йил 1 сентябрь куни областда 452 мактаб иш бошлаб, буларда 205 минг 800 ўқувчи таълим олмоғи керак. Ўқувчиши керак бўлган 2680 ўринли 7 та мактабдан бор-йўғи 360 ўринли битта мактаб қурилган. Бунга район партия, совет ташкилотлари ва уларнинг раҳбарлари қандай тоқат қилиб туришганига ҳайрон қоласан, киши! Шеробод районидаги колхозларда қурилаётган иккита мактабдан биттаси ҳам тайёр эмас. Ўртоқ С. Маматқулов раислик қилаётган Киров номли колхозда 1968 йилда бошланган 360 ўринли саккиз йиллик мактаб биноси ҳанузгача битмай турганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Область колхозлараро қурилиш трести (бошлиғи Э. Ангиров) ва унинг жойлардаги колхозлараро қурилиш бошқармаларининг раҳбарлари ҳам янги мактаб бинолари қуриш ишини сабабсиз кечиктириб келишяпти.

Совхозларда янги мактаб бинолари қуриш ишига келганда янада ачинарлироқ аҳволга дуч келамиз. Совхозларда шу йил ишга тушиши даркор бўлган 1720 ўринли бешта мактабдан атиги 180 ўринли битта мактаб қуриб битказилди. Бойсун районидаги «Работ» совхозининг Авлод участкасидаги Жомий номли мактаб биноси 1966 йилда бошланган бўлса-да, ҳанузгача қуриб битказилгани йўқ. Совхоз директори Н. Ўмаров айби билан мактаб қурилишига ажратилган материаллар ҳар йили бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборилмоқда.

Ўртоқ Х. Қодиров директор бўлган шу райондаги «Дарбант» совхозида бундан етти йил олдин бошланган 10 хонали мактаб биносининг қачон битказилишни ҳеч ким билмайди. Область совхозлар трести бошлиғининг қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ўринбосари Ўртоқ К. Қодиров нима учундир мактабларнинг қурилишига қолганда қўли «калта»лик қилмоқда?!

Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишига жиддий тўғоноқ бўлаётган яна бир масала ҳақида икки оғиз сўз. Аниқроғи Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ҳузуридаги «Узглавснабпрос»нинг (бошлиғи Ўртоқ А. Илияев) қурилиш ва ремонт ишларини материал билан таъминлашда чалкашликларга йўл қўймоқда, Сурхондарё областига берилиши лозим бўлган қурилиш материалларини негадир тўхтатиб келмоқда. Шу сабабли ҳам область мактаблари учун ажратилган 1798 куб метр тахтадан ҳозиргача 46 процентги олинди, холос. 1410 куб метр ёғочдан эса 774 куб метри келтирилди. Шу пайтга қадар планлаштирилган цементдан 350 тоннаси етказиб берилмади. Ўртоқ Илияев эса бу айбларни «Леспромхоз»га ағдариб, сувдан қуруқ чиқишга ҳаракат қиляпти.

Ҳозир баҳоналар кўрсатиш, янги ўқув йилига тайёргарликни пайсалга солиш пайти эмас. Бунинг ўрнига янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўриш ҳусусида ўйлаш лозим.

Рейд бригада аъзолари:
А. ЖУМАНАЗАРОВ — область халқ маорифи бўлимининг инспектори, Т. ПЎЛАТОВ — область халқ маорифи бўлими қошидаги халқ контроли группасининг аъзоси, А. ХАЛИЛОВ — «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЮТУҚ ВА НУҚСОНЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕЙДИ

сатди. Машғулотлар тугамасидан ярим ой олдин қурилиш материаллари тахт қилиб қўйилди. Сўнгги кўнгироқ чалиниши биланоқ колхоз қурилиш бригадаси аъзолари иш бошлаб юбордилар. Бир ой ичида капитал ремонт тўла ва сифатли тугалланди.

Оталиқ ташкилотлар, колхоз ва совхозлар яқиндан ёрдам берган ва чинакам ғамхўрлик кўрсатган бошқа жойларда ҳам мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш муваффақиятли адо этилганлигини кўрдик. Масалан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бобомурод Омонов раис бўлган Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхози территориясида жойлашган 12 та мактабнинг ҳаммаси колхоз маблағи, материали ва ишчи кучи ёрдамида июль ойидаёқ тўла ремонтдан чиқарилди.

Рейд бригадаси аъзолари Денов районидаги Пушкин номли, Сариосиё районидаги Ғафур Ғулом номли, Денов шаҳридаги Ломоносов номли, Гагарин райсмидаги Ленин номли ва Менделеев номли, Термиз шаҳридаги Луначарский номли ва «Правда» мактабларида ҳам ремонт ишлари барвақт ва сифатли ўтказилганлигининг гувоҳи бўлишди.

Бироқ юқоридаги муваффақиятлар билан бир қаторда, мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда жиддий хато ва камчиликлар бор. Маълум бўлишича, бу йил областдаги 445 та мактабдан 65 таси капитал ва 380 таси жорий ремонт қилиниши планлаштирилган эди. Шу йил 1 августгача эса 45 та мактаб капитал ремонтдан, 366 мактаб жорий ремонтдан чиқарилди. Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари айниқса Шўрчи, Бойсун ва Шеробод районларида ачинарли аҳволда.

лар контингенти шу йилнинг ўзида ўтган йилга нисбатан 13 минг нафарга кўпаяди. Ана шуни назарда тутганда бу йил Сурхондарё областида янги мактаблар қуриш иши ташвишли аҳволда: белгиланган планга кўра 1971—1972 ўқув йилида давлат ҳисобидан 2536 ўринли 3 та ўрта мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилиши лозим эди. Аслида эса ана шу мактабларнинг бирортаси ҳам бу йил қурилиб, битказилиши амримаҳол. Чунки давлат ҳисобидан Жарқўрғон районида қурилаётган 536 ўринли мактабдаги қурилиш ишлари энди 25 процент, Термиз шаҳридаги 1000 ўринли мактабда 35 процент, Сариосиё районининг Узун қишлоғи марказидаги 1000 ўринли мактабда 49 процент ҳажмида иш бажарилган, холос. Мазкур мактабларни қураётган пудратчи ташкилот — 165-қурилиш трестининг бошлиғи С. Л. Дихн йиғилишларда ваъдабозлик қилиб, «мактабларни албатта 1 сентябрда ишга туширамиз», деб ант ичмоқда.

Бундан ташқари бу йил колхозлар ҳисобидан 19 та янги мактаб бинолари қурилиб, ишга туширилиши режалаб қўйилган. Тўғрисини айтанда, бу борадаги ишлар ҳам ўлда-жўлда. Чунки 7696 ўқувчини ўз бағрига олиши керак бўлган бу мактаблардан 1 августгача атиги 5 таси қуриб битказилди. Бу фақат 1964 болага мўлжалланган. Хўш, қолган беш мингдан знёд бола қайси бинода ўқийди? Янги мактаблар учун биноларни қураётган қатор колхозларнинг раҳбарлари бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрдиларми?

Колхозлар ҳисобидан янги мактаблар қуриш ишлари, айниқса Денов ва Шеробод районларида пайсалга солинмоқда. Жумладан, Денов райони колхозларида янгидан қурилиши керак бўлган 2680 ўринли 7 та мактабдан бор-йўғи 360 ўринли битта мактаб қурилган. Бунга район партия, совет ташкилотлари ва уларнинг раҳбарлари қандай тоқат қилиб туришганига ҳайрон қоласан, киши! Шеробод районидаги колхозларда қурилаётган иккита мактабдан биттаси ҳам тайёр эмас. Ўртоқ С. Маматқулов раислик қилаётган Киров номли колхозда 1968 йилда бошланган 360 ўринли саккиз йиллик мактаб биноси ҳанузгача битмай турганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Область колхозлараро қурилиш трести (бошлиғи Э. Ангиров) ва унинг жойлардаги колхозлараро қурилиш бошқармаларининг раҳбарлари ҳам янги мактаб бинолари қуриш ишини сабабсиз кечиктириб келишяпти.

Совхозларда янги мактаб биноларини қуриш ишига келганда янада ачинарлироқ аҳволга дуч келамиз. Совхозларда шу йил ишга тушиши даркор бўлган 1720 ўринли бешта мактабдан атиги 180 ўринли битта мактаб қуриб битказилди. Бойсун районидаги «Работ» совхозининг Авлод участкасидаги Жомий номли мактаб биноси 1966 йилда бошланган бўлса-да, ҳанузгача қуриб битказилгани йўқ. Совхоз директори Н. Ўмаров айби билан мактаб қурилишига ажратилган материаллар ҳар йили бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборилмоқда.

Ўртоқ Х. Қодиров директор бўлган шу райондаги «Дарбант» совхозида бундан етти йил олдин бошланган 10 хонали мактаб биносининг қачон битказилишни ҳеч ким билмайди. Область совхозлар трести бошлиғининг қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ўринбосари Ўртоқ К. Қодиров нима учундир мактабларнинг қурилишига қолганда қўли «калта»лик қилмоқда?!

Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишига жиддий тўғоноқ бўлаётган яна бир масала ҳақида икки оғиз сўз. Аниқроғи Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ҳузуридаги «Узглавснабпрос»нинг (бошлиғи Ўртоқ А. Илияев) қурилиш ва ремонт ишларини материал билан таъминлашда чалкашликларга йўл қўймоқда, Сурхондарё областига берилиши лозим бўлган қурилиш материалларини негадир тўхтатиб келмоқда. Шу сабабли ҳам область мактаблари учун ажратилган 1798 куб метр тахтадан ҳозиргача 46 процентги олинди, холос. 1410 куб метр ёғочдан эса 774 куб метри келтирилди. Шу пайтга қадар планлаштирилган цементдан 350 тоннаси етказиб берилмади. Ўртоқ Илияев эса бу айбларни «Леспромхоз»га ағдариб, сувдан қуруқ чиқишга ҳаракат қиляпти.

Ҳозир баҳоналар кўрсатиш, янги ўқув йилига тайёргарликни пайсалга солиш пайти эмас. Бунинг ўрнига янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўриш ҳусусида ўйлаш лозим.

Рейд бригада аъзолари:
А. ЖУМАНАЗАРОВ — область халқ маорифи бўлимининг инспектори, Т. ПЎЛАТОВ — область халқ маорифи бўлими қошидаги халқ контроли группасининг аъзоси, А. ХАЛИЛОВ — «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«Узбекистон коммунисти» журналининг август сони босмадан чиқди. Унда «КПСС XXIV съезди қарорлари — турмушга» рубрикаси остида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Худойбердиевнинг «Совет пахтачилигини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида», Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари А. Уркинбоевнинг «Дон хўжалигининг резервлари», техника фанлари доктори Б. Геллерининг «Ўзбекистонда тўқимачилик химиясини ривожлантиришнинг баъзи масалалари», иқтисод фанлари кандидати Ф. Расулевнинг «Социалистик ишлаб чиқариш ва халқ фаровонлигининг ўсиши» сарлавҳали мақолалари босилган.

Журналнинг «Идеология иши» бўлимида юридик фанлари кандидати А. Михайлянцнинг «Жиноятларнинг олдини олиш — муҳим иш» сарлавҳали мақоласи берилган.

БУГУН — БУТУНИТТИФОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

ЯНГИ СПОРТ ИНШООТЛАРИ ҚУРИШНИ АВЖ ОЛДИРИБ ВА ИШЛАБ ТУРГАН ИНШООТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИБ, ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТНИНГ ОММАВИЙ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТ ЯХШИЛАНСИН.

(КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИДАН).

Суратда: чавандозлик мусобақалари бошланиш олдидан.

М. Нуриддинов фотоси.

МАРДЛИК, МАҲОРАТ БАЙРАМИ

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Совет кишисининг жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиши партия ва ҳукумат олдимизга қўяётган вазифаларни муваффақият билан бажаришда муҳим роль ўйнайди. Шуннинг учун ҳам республика партия ва ҳукумати Ўзбекистонда фи экультура ва спортни тиймай ривожлантириш, уни янги поғоналарга кўтариш тадбирларини амалга ошириб келмоқда.

Бугунги байрам йигит ва қизларимизнинг жисмоний бақувват ва етуклигига яна бир кўрик бўлади. Бу йил мамлакатимизда физкультурачилар куни алоҳида бир тарзда нишонланмоқда. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун барча корхона ва ташкилотларда, колхозлар ва совхозларда қизғин кураш мусобақаси авж олиб кетди. Байрамни нишонлаётган ҳозирги дақиқаларимизда СССР халқлари V спартакиадаси таассуротлари ва сабоқларидан ҳалжондамиз. Чунки V спартакиада бутун мамлакатимизда физкультурачилик ҳаракатининг кейинги тўрт йил мобайнида қанчалик камол топганлигини, спортда қандай ютуқлар қўлга киритилганлигини қатъий синовдан ўтказди.

Ўзбекистонда физкультура ва спортни ривожлантириш борасида муайян ютуқларга эришилди. Физкультура ҳамда спорт билан шуғулланувчи йигит-қизларимиз тобора кўпайиб боряпти. Республикада ҳозир 8661 физкультура коллективи мавжуд. 95 стадион физкультура-спорт билан шуғулланувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. 1296 спорт залида ёшларимиз машғулотлар ўтказиб, ўз маҳоратларини оширишга қунт билан ишлямоқдалар. 14972 спорт майдони йигит-қизларимизнинг севимли даргоҳларига айланиб қолган.

КПСС XXIV съездига бағишлаб республикада ўтказилган саломатлик куни мусобақаларида кўп киши қатнашди. Ўша куни стадионлар, спорт майдонлари, спорт заллари ва сув ҳавзаларида 900 мингдан ортиқ киши шуғулланди. Апрель ойида ўтказилган бу тадбирдан кейин яна бир катта кўрик бошланди, бу республикамизда физкультурачилик ҳаракати ва спорт маҳорати қай даражага кўтарилганлигини яққол кўрсатди. Бу синов Ўзбекистон XV спартакиадаси мусобақалари давомида рўй берди. Спартакиаданинг финал мусобақаларида илгариги шундай кўрикларига қаранда анча кўп спортчи қатнашди. Спартакиаданинг оммавий мусобақаларида 2 миллионга яқин йигит-қиз иштирок қилди. Финал мусобақалар вақтида республиканинг 11 рекорди ўрнатилди. Спорт мастери нормасини бу сафар 14 киши муваффақиятли бажарди. Жами 77 киши мастерлик даражаси ва 257 йигит-қиз спорт мастерлигига номзод ҳамда биринчи разрядли спортчи даражасига муносиб кўрилди.

Бу йилги спорт воқеалари ичида СССР халқлари V спартакиадаси алоҳида ажралиб туради. СССР халқлари спартакиадаси финал мусобақаларида қатнашган Ўзбекистон терма командасининг аъзолари орасида 16 СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери ва халқаро классли спорт мастери, 307 СССР спорт мастери борлиги билан фахрланамиз.

Бешинчи спартакиада спорт соҳасидаги ютуқ ва камчиликларимизни очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Боксчиларимизнинг маҳорати юқори баҳоланди. Спортнинг ана шу тури билан шуғулланувчи Руфат Рискиев билан Николай Андимов СССР халқлари спартакиадасининг олтин медалларини олишга сазовор бўлдилар. Курашчи Рустам Каваков ва сузувчи С. Конов кумуш медалларга муносиб кўрилди. Биринчи марта «А» классида ўйнаш шарафига эришган волейболчи хотин-қизлар командамизнинг шуҳрати ортиб кетди. Спартакиада кунларида Ўзбекистон хотин-қиз волейболчилар командаси эришаётган ютуқлар ҳақида мамлакатнинг марказий газеталри тез-тез таъкидлаб турди. Команда капитани Олимпия ўйинлари чемпиони В. Дюновнинг республикамиз волейболчилар командасини яхши тайёрлашга ҳаракат қилаётганлигини шу ўринда айтиб ўтмоқчимиз.

Физкультурачилар байрами арафасида республикамизда халқаро аҳамиятга эга масъулиятли мусобақалар бўлиб ўтди. Бу совет-араб спорт ҳафталиги бўлиб, Бирлашган Араб Республикаси спортчилари билан Ўзбекистон спортчилари дўстона учрашувлар ўтказдилар. Мусобақалар спортнинг беш тури — енгил атлетика, оғир атлетика, сувда сузиш, классик кураш, дзю-до бўйича ҳар икки халқ вакиллари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Оғир атлетика мусобақаларида тошкентлик Э. Каримов республика рекордини янгилашга муваффақ бўлди. Қоҳиралик Маҳмуд Муҳаммад Ўбайд Бирлашган Араб Республикасининг уч рекордини ўрнатишга эришди. Тошкентда ўтказилган мусобақалар программаси Самарқандда ҳам такрорланди.

Ниҳоят байрам арафасида СССР халқлари V спартакиадаси якунлари тўла таҳлил қилиб бўлинди. Спартакиадада Ўзбекистон жамтарган очколари бўйича 11- ўринни олганлиги маълум. Спартакиаданинг финал мусобақаларида қатнашиш учун кураш кунларида республиканинг 98, областларнинг 135, шаҳарларнинг 127 ва район ҳамда физкультура коллективларининг 1078 рекорди ўрнатилди.

Ҳали республикамизда физкультура ва спортни яхшилаш учун жуда кўп ишлар қилиниши лозим. Спартакиададаги ўн биринчи ўрин бизни қониқтирмайди. Бу ўрин физкультурачилик ҳаракатини ривожлантириш, спортчилар маҳоратини тинмай ошириш зарурлигини қайта-қайта таъкидламоқда.

Ю. ЕГОРОВ,
Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети раисининг ўринбосари.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

ХЎЖАСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

«Узглавтара»га қарашли Урганч-даги ёғоч ва тахта билан савдо қилувчи базада хўжасизлик ҳукм сурмоқда, тартиб йўқ. Бунинг учун база директори Ш. Каримов айбдордир. Редакцияга келган хатлардан бирида юқоридаги каби фактлар келтирилган эди.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг моддий-техника таъминоти бош бошқармаси маълум қилишича, текшириш натижасида хатда келтирилган фактлар тасдиқланган ва бошқа қатор камчиликлар ҳам аниқланган.

«Узглавтара» раҳбарларидан базада тартиб ўрнатиш ва Урганч шаҳар партия комитети билан бирликда унинг директори Ш. Каримовнинг бундан кейин ўз вазифасида қолиши ёки қолмаслиги масаласини ҳал этиш илтимос қилинди.

ЧОРА КЎРИЛДИ

Жарқўрғонлик Ч. Бекназаровдан олинган хатда эса шу райондаги Мичурин номли 32-, «ВЛКСМ 40 йиллиги» номли 34- ва Шевченко номли 19-мактабларнинг раҳбарлари мактаблар учун ажратилган маблағлардан нотўғри фойдаланаётганликлари, ғайри-қонуний хатти-ҳаракат қилаётганликлари кўрсатилган эди.

Текшириш ва чора кўриш учун юборилган бу хат юзасидан Сурхондарё область партия комитетининг секретари редакцияга қуйидагиларни маълум қилди. Хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Текшириш натижаси область халқ маориф бўлимининг кенгашида муҳокама қилинди. Камчиликларга йўл қўйганликлари учун юқоридаги мактабларнинг директорлари А. Худойназаров, Х. Норматов ва А. Жумаевларга виговор эълон қилинди.

ФАХРИМИЗ

Ҳўжалигимиз республикадаги пешқадам колхозлардан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бунчалик ютуқларни қўлга киритишимизда колхозимиз аъзоларининг физкультура ва спорт билан шуғулланиши ҳам роль ўйнаётганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Физкультура ва спорт билан шуғулланган ҳар бир колхозчимиз меҳнатда ҳам илғор. Штангачи Василий Ли, курашчи Файзулла Турсунбоев, шашкачи Роза Ким, футболчимиз Пўлат Мўминқулов, гимнастикачи Тинисхон Абдуллаева кабилар спортнинг ўзлари меҳр қўйган соҳалари билан мунтазам шуғулланмоқдалар. Улар колхоз ишлаб чиқаришида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Колхозимизда физкультура ва спорт бўйича 14 секция ишлаб турибди. Катта стадионимиз бор. Колхозимиз номи билан юритилувчи командамиз футболчиларининг доврўғи билан танишсиз. Колхозимизда спорт билан шуғулланаётган оналар кам эмас. Юрий Ким колхозимизнинг шуҳратли шахматчиларидан. Унинг беш фарзанди ҳам спорт билан машғул. Роза Ким шахмат бўйича Брест шаҳрида ўтказилган мусобақаларда яхши натижаларга эришиб келди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Куни кечаги хушхабар: колхозимиз аъзоси Афанасий Ким СССР қишлоқ спортчилари орасида чемпион бўлди.

Физкультура ва спорт билан шуғулланувчи колхозчиларимиз 11минг нишига етди. Шулардан 600 йигит-қиз разрядли спортчи. Колхозчиларнинг физкультура ва спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиб берилган. Майдонлар, спорт иншоотлари кўнгилдагидек жиҳозланган. Спортчилар уйи, спорт саройи ҳам бор. Сув спорти саройи қуришни мўлжаллаб турибмиз. Ҳар йили физкультура ва спортни ривожлантиришга колхоз кўплаб маблағлар ажратмоқда.

Бутуниттифоқ физкультурачилар байрамини мамлакатимизнинг ҳамма еридаги синглари колхозимизда ҳам баланд руҳ билан нишонлаш одат бўлиб қолган. Спортчилар ўз маҳоратларини ошириб борганлари сари колхоз ишлаб чиқаришининг улар ишлаётган участкаларида ҳам нувончли натижалар қўлга киритилмоқда. Физкультурачи ва спортчилар — колхозимиз аъзоларининг фахри. Уларнинг спортдаги янги марраларни эгаллашлари учун барча тадбирларни бундан бўён ҳам кўрсатеарамиз.

Т. Г. ХВАН,
Тошкент область Юқори Чирчиқ райсмидаги «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

тафовутлар сақланиб қолар экан, давлат уларни амалий фаолиятида эътиборга олиши ва бутун жамият манфаатлари билан уйғунлаштириши лозим. Шу жиҳатдан, социалистик умумҳалқ давлати зарурлиги ва ишчилар, деҳқонлар ва барча меҳнаткашларнинг синфий иттифоқига асосланган синфий ташкилоти бўлиб қолаверади. Синфий иттифоқда илгаригидек, яъни СССРда социалистик жамият қурилиши учун кураш даврида бўлганидек, ўз составига кўра энг кўп сонли, (мамлакатнинг иш билан банд бўлган аҳоли сонининг 55 проценти) халқ хўжалигининг асосий тармоғи — социалистик индустрия билан боғланган ва моддий ишлаб чиқаришнинг тўртдан уч қисмини яратадиган ишчилар синфи етакчи роль ўйнайди.

Совет жамияти социал структурасида энг характерли жиҳат шуки, саноат гуркираб ривожланаётганлиги туфайли шаҳар аҳолиси мамлакат бутун аҳолисининг 56 процентини ташкил этмоқда. Ўрта ва олий маълумотлилар сони 95 миллион кишига етиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 65,3 процентини ташкил этади. Шаҳар аҳолисининг тўртдан уч қисми ва қишлоқ аҳолисининг ярми ўрта ва олий маълумотлидир. Бу, социализмнинг жуда катта ғалабаси бўлиб, мамлакатимиз аҳолисининг ҳам маданий даражасини, ҳам социал составини сифат жиҳатидан тубдан ўзгартирди.

Умумҳалқ давлатининг синфий табиатига баҳо бераётганда совет жамияти социал структурасида юз берган бу муҳим сифат ўзгаришларни эътиборга олмоқ лозим. Жамиятда ишчилар синфининг раҳбарлик роли ҳақида гап борганда шуни назарда тутиш керакки, социализм қарор топаётган даврда ишчилар синфининг иродаси ҳукмрон синф иродаси, қонун даражасига кўтарилган давлат иродаси эди. Бу, тушунарли ҳолдир. Чунки, дунёда биринчи социализм давлати бўлмиш СССРнинг ички ва халқаро аҳволи меҳнат жараёнига раҳбарлик қилувчиларнинг ягона иродасига омманинг сўзсиз итоат этишини талаб этарди.

Эндиликда, ривожланган социалистик жамият шароитида ишчилар синфининг иродаси умумҳалқ давлати сиёсатини белгилашда ҳамон ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Бу ишчилар синфининг миқдорий состави билан ҳам, унинг социалистик ишлаб чиқаришдаги етакчи мавқеи, жамиятдаги авангардлик роли билан ҳам белгиланади. Шу нарса диққатга сазоворки, социализм ғалаба қозониб, бутун совет халқи, колхозчи деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлилар ишчилар синфи мустаҳкам турган социалистик позицияга ўтишлари туфайли ишчилар синфининг иродаси умумҳалқ иродаси, коммунизм қураётган бутун халқ иродаси бўлиб қолди.

В. И. Ленин таълим берган эдики, халқ хўжалигининг турли соҳаларини ва жамиятнинг социал-маданий ҳаётини бошқариш давлатнинг асосий функциясини ташкил этади. Бошқарув органлари эса ишчи оладиган маошдан ортиқ бўлмаган иш ҳақи оладиган техниклар, назоратчилар, бухгалтерлар, бошқа мансабдор шахслардан иборат бўлиб, юксак даражада уюшган ташкилот сифатида ишлайди. В. И. Ленин таъбири билан айтганда, барча гражданлар ягона умумҳалқ давлати «синдикати»нинг хизматчилари ва ишчиларига айланадилар. Улуғ доҳийнинг бу ажойиб сўзларида пролетариат диктатурасининг ўсиб, умумҳалқ давлатига айланиш истиқболлари белгилаб берилган. Давлатга бўлган зарурият шу билан изоҳланидики, жамиятда «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимнинг эҳтиёжига яраша» деган коммунизм принципининг амалга оширилишига имкон беруврчи моддий ва маънавий шароитлар мавжуд бўлгунига қадар, меҳнат билан истеъмол ўлчови устидан жамият томонидан, давлат томонидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарурияти барҳам бўлгунга қадар давлат сақланиб қолади.

Ривожланган социалистик жамият шароитида, аҳолининг катта қўпчилиги социалистик турмуш қоидаларини онгли ва ихтиёрий равишда бажаради. Лекин, хусусий мулк психологияси билан, миллатчилик оғуси билан заҳарланиб, буржуа ва майда буржуа идеологиясининг таъсирига берилган, онгда ва турмушда капитализм сарқитларидан қутула олмаган кишилар ҳам бор. Совет қонунларини ана шундай кишилар бузмоқдалар, турли жиноятлар қилмоқдалар. Уларга қарши давлат йўли билан мажбур қилиш чоралари кўрилмоқда.

Совет давлати учун ўтмишнинг заарли анъаналарини тугатиш, янги ижтимоий муносабатларни камол топтириш, Ленин партияси идеалларига чексиз садоқатли, коммунизм учун онгли равишда курашадиган янги кишини тарбиялаш вазифаси ғоят муҳимдир.

Синфий курашнинг асосий фронти жаҳон миқёсига чиққан ва социализм билан империализм ўртасида кескин ғоявий жанглар кетаётган ҳозирги вақтда социалистик умумҳалқ давлати пролетариат диктатураси томонидан бошлаб берилган ишни давом эттирмоқда. Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар билан ҳамкорликда ўзининг ташқи функциясини аниқ бажармоқда; СССР ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари давлат чегараларининг территориал даҳлсизлигини хушёрлик билан қўриқламоқда, агрессорларнинг ҳар қандай кирдикорларига қарши қақшатгич зарба бермоқда. СССР ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари давлат суверенитетини, социализмнинг жаҳон миқёсидаги ютуқларини ҳимоя қилиш социалистик умумҳалқ давлати ташқи функциясининг негизини ташкил этади.

В. И. Ленин Совет давлати тараққиётини социалистик демократиянинг янада такомиллашуви билан, меҳнаткашларнинг жамият ишларини бошқаришда ёппасига иштирок этиши билан маҳкам боғлаган эди. Владимир Ильич коммунизм тўла ғалаба қозонганда давлатнинг барҳам топиши муқаррарлиги ҳақида гапириб, бу жараённинг узоқ давом этишини ҳамда унинг, бир томондан, коммунизм олий босқичининг тез ривожланишига (мамлакат ички тараққиёти нуқтан назаридан) боғлиқлигини, иккинчи томондан, социализмнинг жаҳон миқёсидаги галабасига боғлиқлигини алоҳида қайд қилиб ўтган эди.

Марксизм-ленинизм классиклари коммунизмда давлатнинг барҳам топиши ҳақида гапирганларида армия, полиция, суд ва шулар сингари маъмурий давлат органларини сақлаб туришга зарурият қолмаслигини назарда тутганлар. Шу билан бирга улар хўжаликни ва маданий қурилишни бошқариш функциясини сақлаб қолиш мумкинлигини, илмий-техника революцияси янада гуркираб ривожланган даврда ва коммунизм шароитида мураккаб ижтимоий жараёнга раҳбарлик қилиш зарурияти бўлажагини олдиндан кўрган эдилар. Шу маънода марксизм-ленинизм классиклари коммунизмда ҳам ҳозиргига ўхшаш давлат фаолияти функциялари сақланиб қолишини кўрсатиб, бунда мазкур функцияларнинг сиёсий характери батамом барҳам топишини, бу функциялар ҳар бир кишининг қўлидан келадиган назорат ва ҳисоб-китоб операциясига айланажагини таъкидлаган эдилар. Шунда ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш давлат фаолиятининг энг сўнгги иши бўлиб қолади, кишилар тўғрисида эса жамиятнинг ўзи коммунистик ўз-ўзини бошқариш асосида тамҳўрлик қилади.

О. ЭШОНОВ,
Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, юридик фанлари доктори, профессор.

ОЛИЖАНОБЛИК

Бу воқеа Қува районидаги «Социализм» колхозининг Октябрь қишлоғида юз берди. 19-мактаб ўқувчиси Раҳимжон Аҳмедов помидордан шакароб тайёрлаб ейиш мақсадида ўз экинзорига кирганида кўзи ерда ётган симга тушди. У симни олиб бошқа жойга улоқтириб ташламоқчи бўлди. Аммо симда электр токи бор экан, уни маҳкам «ушлаб» қолди.

Ҳовлида уй ишлари билан овора бўлиб юрган Кўпайсин хола набирасининг бақирганини эшитиб, унинг олдига югурди. Кампир Раҳимжонни ерден кўтармоқчи бўлганда, электр токи уни ҳам «ушлади». Шундай қилиб, буви ва набира ҳушдан кетиб, ерда чўзилиб қолишди.

Бу ҳодиса юз берган пайтда қишлоқ кўчасидан енгил автомашина ўтиб борарди. Ҳовлидан аёл кишининг бақирган овозини эшитган Пўлатжон Усмонов машинани тўхтатди-да, югуриб ичкарига кирди. У, ўзини йўқотмай, дарҳол кампир ва болани қутқаришга киришди. Қуруқ ёғоч топиб, уларни симдан ажратиб олди ва тезлик билан машинага солиб, Қува райони марказидаги касалхонага олиб келди.

Касалхона шифокорларининг айтишича, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилгач, Кўпайсин хола ва унинг набираси тезда ҳушига келган ва ҳозир ўзларини яхши ҳис этишмоқда.

Раҳимжон ва Кўпайсин холанинг ҳаётини сақлаб қолиб, чин инсонга хос фазилат намунасини кўрсатган олижаноб йигит Пўлатжон Усмоновдир. У, Сирдарё область коммунал хўжалик бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлайди. Пўлатжон Усмонов меҳнат отпускасига чиққан ва ҳ

АХБОРОТ

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Механизмлар чорва хизматида

Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Ильич номли колхозга узоқ-яқиндан чорвадор мутахассислар кўплаб келмоқда. Улар бу ерда янги типда қурилган молхона биносида механизмдан фойдаланиш натижалари билан танишадилар. Темир-бетон ускуналардан тикланган молхонанинг ярим ари шаклида бўлгани бинони баланд кўрсатиб турибди. Хоналар ёруғ ва кенг. Озуқа тарқатувчи трактор охирларнинг ҳар бир қаторини 10-12 минутда ем билан тўлдиради. Сигирлар сувни ҳам механизация ёрдамида ичади. Молхона ёнига қурилган қўшимча бинолар ферма ишини енгиллаштиришга имкон беряпти.

Д. ПОЛЕВОЙ.

Мамнунлик ифодаси

Қулоғи ожизлар жамияти ташаббуси билан Тошкентда икки ойлик курс ташкил этилди. Унда республикамиз область ва шаҳарларидан келган 300 га яқин киши қатнашди. «Ташсельмаш» заводининг илғор ишчиси коммунистик меҳнат зарбдори Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошпўлатов, жамиятнинг оммавий-ташкилий ҳамда ўқув-тарбия ишларида фаол қатнашаётган Д. Муҳаммадиева, Л. Далиева, А. Иванова, П. Тиловниезова ўртоқлар ўзлари, меҳнат қилаётган жойларда ўқиш ижод этиш, дам олиш учун намунали шароит яратиб берилгани тўғрисида гурурланиб сўзладилар.

Курс машғулотларида тажрибалар алмашинди. Курс қатнашчилари саноат корхоналари, колхоз-совхозларга экскурсияларга чиндилар.

Б. МИХАЙЛОВ.

Пахтакорлар ҳузурида

Огаҳий номли Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг ижодий коллективи Қорақалпоғистон АССРнинг Тўртқўл, Беруний, Амударё ва Хўжайли район меҳнаткашлари ҳузурида санъатларини намойиш этдилар. Улар энди янги программа тайёрлаб, Сурхондарё воҳасига йўл олдилар.

Х. ХУЖАЕВ.

Экран ёғдуси

Фарғона областининг Охунбобоев район маданият бўлими ғўза парвариши қизғин авж олдирилаётган шу долзарб дамларда пахтакорларга кино хизмати кўрсатишни яхши йўлга қўйди. Райондаги «Москва», «Ленинобод», «Оқ олтин», Куйбишев номли колхоз аъзолари экран ёғдусида «Асосий зарба», «Халат кийган аёл», «Интеграл», «Меҳрибон ота» каби бир қанча кинофильмларни мириқиб томоша қилдилар.

А. ТУХТАСИНОВ.

Турли мамлакатларда

ЧЕГАРАДА КЕСКИНЛИК

РАВАЛПИНДИ, 11 август. (ТАСС). Ҳиндистон — Покистон чегарасида аҳвол ҳали ҳам кескин бўлиб турибди. АП агентлигининг хабар беришига қараганда, Покистон ҳукумати эълон қилган ҳарбий маълумотга кўра, Рангпур яқинида (Шарқий Покистоннинг шимолий қисмида) Ҳиндистоннинг мунтазам қуролли кучлари билан (2 августдан 5 августгача) давом этган тўқнашувлар давомида Покистон қўшинлари Ҳиндистоннинг 72 нафар ҳарбий хизматчиларини ўлдирган.

ДЕҲЛИ, 11 август. (ТАСС). ПТИ агентлиги хабар беради: шу ойнинг бошида Ҳиндистон қўшинлари Рангпур районида Шарқий Покистон чегарасини кесиб ўтди ва Ҳиндистоннинг ҳарбий хизматчиларидан 72 нафари ўлдирилди, деб Покистон маъмурлари тарқатган хабарни Ҳиндистон мудофаа министрлигининг вакили «мутлақо уйдирма» гап, деди.

Шу билан бир вақтда, дейилади ПТИ агентлигининг хабарида, Покистон қўшинлари 6 августда Давка (Мегхалайя штати) секторида Ҳиндистоннинг чегара постларини қаттиқ тўпга тутди ва миналар ёғдирди. Ҳиндистон чегара бўлинмалари жавоб ўти очганлиги натижасида, дейилади агентликнинг хабарида, душман солдатларидан анчаси нобуд қилинди.

Покистон қўшинлари дейилади агентликнинг хабарида, 8 августда Муктапур районини (Мегхалайя штати), 10 августда эса Каримганж районини (Ассам штати) тўпга тутди.

МУЖИБУР РАҲМОН СУД ЖАВОБГАРЛИГИГА ТОРТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. Ассошиэйтед пресс агентлигининг мухбири яхши ҳабардор ҳукумат манбаларига асосланиб Равалпиндидан йўллаган хабарида айтилишича халқ иттифоқ партиясининг раиси Мужибур Раҳмон Покистон ҳукуматининг махсус ҳарбий суди олдида жавобгарликка тортилган.

Покистондаги энг оммавий партиянинг раҳбари Мужибур Раҳмон «давлатга қарши фаолият билан шуғулланди ва Шарқий Покистонда уруш бошлаб юборди» деб айбланмоқда. Суд мажлислари тамомила маҳфий шароитда ўтказилмоқда. Суд бошланганлиги тўғрисида ҳукумат хабар эълон қилгани йўқ.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингх Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари У Танга мактуб йўллади. Мактубда Мужибур Раҳмонни суд қилдирмаслик ва унинг ҳаётини омон сақлаб қолмоқ учун шошилинч чоралар кўриш илтимос қилинди.

(12 август, ТАСС).



Совет Иттифоқи билан Қувайт ўртасидаги дўстлик алоқалари кун сайин ривожланиб бормоқда. Совет врачлари Қувайт давлат касалхоналарида ўз тажрибаларини қувайтлик ҳамкасабаларига қунт билан ўргатмоқдалар. Медицина фанлари доктори профессор В. Ф. Трубников бир йилдан бери бу ерда ишлаб келмоқда. У шу давр ичида 400 га яқин беморни операция қилиб, оёққа турғазди. Суратда: профессор В. Ф. Трубников (ўнгда) араб ҳамкасабалари орасида.

Н. Канунников фотоси, (ТАСС).



БДР. Ханой металлургия заводининг ишчилари ярим йиллик планларини муддатидан икки ҳафта илгари бажардилар. Мамлакат қишлоқ хўжалиги ва саноати учун керакли юқори сифатли машиналарни етказиб бердилар. Суратда: жўнатиш учун тайёрланган янги маҳсулотлар.

ВИА-ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ХЕЛЬСИНКИ, 11 август. Бу йил гражданлардан яна 7 мингдан ортиқ киши «Финландия — Совет Иттифоқи» жамиятига аъзо бўлиб кирди. «Кансан уутисет» газетасининг хабар беришича, ҳозирги вақтда жамиятнинг 20 минг кишидан ортиқ аъзоси бор. Кўпгина турли ташкилотлар ҳам бу жамиятнинг аъзосидир.

КОЛОМБО, 11 август. Конституция ишлари министрлиги мамлакат янги конституциясининг лойиҳасини тайёрлаб бўлди. Шу конституцияга мувофиқ Цейлон эркин, суверен ва мустақил республика бўлиб қолади. «Сао» газетасининг хабар беришича, энди бу лойиҳа министрлар кабинетига ҳавола қилинади. Газета мамлакатнинг янги конституцияси шу йилнинг охирида кучга кирса керак, деб умид билдиради.

БОННГ, 11 август. Мамлакатнинг энг йирик саноат районларидан бири — Саардаги Ғарбий Германия касаба союзлари бирлашмаси ёшлар конференциясининг делегатлари Германия Федератив Республикасида янги нацизмнинг асосий кучи бўлган национал-демократик партиянинг фаолияти тақиқлансин деб талаб қилдилар.

ТОКИО. Япония ҳарбий ҳаво кучлари машқ учишларини яна бошлаб юборди. Қирувчи реактив самолёт маҳаллий ҳаво йўлининг самолёти билан осмонда тўқнашиб жаҳон граждан авиацияси тарихида энг катта фалокат рўй берганидан кейин бундай учишлар икки ҳафта муддат билан тўхтатиб қўйилган эди. Шу ҳалокат вақтида 162 нафар пассажир ва граждан самолётининг экипажи аъзолари ўлган эди. Ҳукумат тергов ўтказишга ваъда берган бўлса ҳам, аммо учишларнинг бехатар бўлиши учун қандай чоралар кўрилганлиги тўғрисида бир оғиз ҳам сўз айтилгани йўқ. Машқ учишлари яна бошлаб юборилган биринчи куннинг ўзидаёқ Япония ҳарбий ҳаво кучларининг «Скайхок А-4» самолёти ағдарилиб тушди.

ХАНОЙ, 11 август (ТАСС). АПО агентлиги хабар беради: 5 августдан 9 августгача бўлган давода халқ озодлик қуролли кучларининг бўлинмалари Жанубий Вьетнамнинг турли районларида бир қанча ҳужум операциялари ўтказди. Куангчи вилоятининг шимолий қисмида ватанпарварлар қўғирчоқ режим қўшинларининг 544-тепаликдаги позициясига муваффақиятли ҳужум қилдилар. Куангда, Куангнам, Лонган, Тэйнинь вилоятларида ва Меконг дельтасида халқ озодлик қуролли кучлари душманнинг ҳарбий базаларига, мустаҳкамланган постларига, транспорт йўлларига зарбалар берди, натижада душман техникаси ва солдатлари анча талафот кўрди.

АПО агентлигининг хабар беришича, ўтган уч ой ичида Бенче вилоятида ватанпарварлар душманнинг 600 нафарга яқин солдатини сафдан чиқарганлар.

ҲАМКОРЛИК ПРОГРАММАСИ

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлигининг ва уларнинг социалистик интеграциясини ривожлантиришнинг комплекс программаси ҳануз жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди.

СОФИЯ. Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида Болгариянинг доимий вакили Т. Цолов Болгария телевидениесига берган интервьюсида уқтириб айтдики, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXV сессиясида қабул қилинган комплекс программанинг амалга оширилиши мамлакатларимиз халқларининг турмуш даражасини тағин ҳам юқори поғонага кўтаришга ёрдам беради, уларнинг фаровонлигини оширади, социал тараққиёт, социализм ва коммунизмнинг тантана қилишига олиб келади.

ПРАГА. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар экономикасини интеграция қилишга интилиш июль ойининг охирида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг Бухарестда бўлиб ўтган XXV сессиясида янада ривожланди. Жуда катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжат қабул қилинди. Бу ҳужжат халқаро меҳнат тақсимотининг тараққий қилиш тарихида муносиб ўрин олиши турган гап. Ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш ҳамда социализм иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг комплекс программаси мана шундай ҳужжатдир. Комплекс программа эълон қилинганига бағишланиб Чехословакия радиоси берган шарҳларда программага шундай баҳо берилди.

(ТАСС, 12 август).

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Кўгирчоқ фильм. 10.20 — **Телеминиатюралар** 10.55 — МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — Ахборот. **Ўзбек тилида:** 17.10 — Қувноқ пионер ёзи. 17.40 — Мультфильм. 18.00 — Бугун — Бутуниттифоқ физкультурачилар куни. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Эстрада концерти. 20.00 — МОСКВА. **Футбол:** ЦСКА — «ДИНАМО» (Москва). 21.45 — Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати 01.10— **футбол:** «ДИНАМО» (Киев) — «СПАРТАК» (Москва).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. **Улмас гарнизон** (бадиий фильм). 15.20 — МОСКВА. 17.05 — Шоир Анатолий Сафронов студиясида меҳмони 17.35 — Оқшом тароналари. 18.20 — **Мария ва Наполеон** (бадиий фильм). 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.50 — Цирк томошалари. 21.50—Халқ ҳофизлари концерти. 22.10 — ВИРИНЕЯ (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.35 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

«Авлиё Лука»нинг қайтиши — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳомий — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, 11.40 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Эрканлар ёзи — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Осмон секин юрари — «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Сингилгинам Керри — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Марддан ўқ ўтмайди — «ҲАМЗА» (кундуз ва кечқурун).

Оливер — «МОСКВА» (кундуз соат 1.20 минут, кеч 9 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Ўжар қизнинг қуюлиши — «РАКЕТА».

Қизни изланг — ТЕЛЬМАН номли.

Эркаклар ёзи — «ФЕСТИВАЛЬ».

Марддан ўқ ўтмайди — «ХИВА».

ГОМЕЛЬ ШАҲРИДА 15 АВГУСТДА

3% Давлат ички ютуқлар заёмининг

41-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда заёмнинг бир разрядига 512560 сўмлик 9400 дона ютуқ ўйналади. Шу жумладан 5000, 2500, 1000, 500, 100, 40 сўмлик ютуқлар мавжуд.

ЗАЕМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

28, 29 АВГУСТДА ФАРҒОНА ШАҲРИДА

Узбекистон ССР пул-буюм лотерея ютуқларининг 1971 йилги

4-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ЎҚУВ КОМБИНАТИ

Уч йил иш стажига эга бўлган шоферлар учун, III класс дан II класс шоферлик малакасини оширувчи курсларга, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 ой.

Ойига 100 сўм стипендия берилади.

Ҳужжатлар ўқув комбинатида ва Тошкент шаҳар автобус парклари да қабул қилинади.

Ўқишни битирганлар Тошкент шаҳар автобус парклари га ишга юборилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Байнал-Минал кўчаси, 53-уй, Оқ-тепа массиви, Тошкент шаҳар 1, 3, 4, 5, 7, 8, 19, 25-автобус парклари, ҳамда «Сергели» 12 поселкаси.

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети ҳамда республика кураш федерацияси коллективи спорт ветерани, республиканинг бир неча марта чемпиони

Қаюм Полвон АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини маълум қиладилар ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдирадилар.

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 201-ўрта мактаб педагогика коллективи, партия ва касаба союз ташкилотлари шу мактаб илмий бўлим мудири А. Қосимовга рафиқаси

Турсуной УМАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Футбол

НАВБАТДАГИ БЕЛЛАШУВЛАР

«А» класси иккинчи группаси мусобақаларида Узбекистоннинг спорт шарафини ҳимоя қилаётган командалар қаторасига тўрт ўрин — 12- дан 16-гача бўлган ўринларни эгаллаб турибди. Улар ўртасидаги беллашувда келаси йил мавсумида ўз ўрнини бошқа коллективга бўшатиб берадиган, иши ўнгидан келмаган команда аниқланади. Шу вақтгача «Политотдел» командаси ўйиндан чиқиб кетади деб, таҳмин қилинмоқда эди. Аммо қаторасига эришилган бир қанча ғалаба «Политотдел» командасига тўрт поғона юқори кўтарилиш имконини берди. Ушнинг «Олой» командасини 2:0 ҳисобида ютганидан сўнг колхоз футболчилари 18 та очко тўпладилар. Энди бошқа иккита команда хавфли зонада қолди. «Нефтяник» (Фарғона) командаси Қизил Урданинг «Автомобилист» командаси майдонида 0:4 ҳисобида мағлубиятга учраб, «Политотдел» командасидан иккита очко орқада қолмоқда. Жамбулнинг «Олатов» командасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйган «Зарафшон» (Навоий) командаси 16 очкога эга. Термиз «Автомобилист» командасининг аҳволи яхши. Чемпионат дебютанти бўлган бу команда Кировободнинг тажрибали «Динамо» коллективини 2:1 ҳисобида ютиб, 20 та очко тўплади. Шу билан бирга бу команданинг «запасда» яна иккита ўйини бор.

Бу турда «Янгиер» командаси муваффақиятсизликка учради. У Чимкентнинг «Металлург» командасига ютқазиб қўйди. Аммо шундай бўлса ҳам учинчи ўринда борялти.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

16 АВГУСТ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.25 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — «Ёш куч» спорт программаси. **Рус тилида:** 19.35 — Ахборот. 19.50 — Бадиий фильм. **Узбек тилида:** 21.25 — Ахборот. 21.40 — Жаҳон музика асбоблари. Гусли, бандура, цимбала, чанг. 22.20 — Оламда нима гап? 22.50 — Телевизион театр. **С. Алешин. «ДИПЛОМАТ».**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** 18.00 — Тор болалари. Фильм-концерт. 18.20 — Николай Гацуаева шеърлари. 18.50 — Реклама. 19.00 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

17 АВГУСТ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — **Рус тилида:** Ахборот. 19.20 — Спорт эшиттириши. 19.40 — Беш йиллик республика бўйлаб незади. **Узбек тилида:** 20.05 — **Тоғда ёз қисқа бўлади** (бадиий фильм). 21.20 — Қишлоқ хўжалиги билимлари университети. 21.50 — Адабий театр. Азиз Абдураззоқ. **«Ер фарзанди».** 22.20 — Ахборот. 22.35 — Наманган шаҳар маданият уйи халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 23.30 — Телефильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** 18.00 — Кинофильм. 18.30 — Изланиш ва топилдиқлар. 19.00 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** 19.10 — Камер қуйлардан концерт. 21.30 — **Ревизор** (фильм-спектакль).

18 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Қувноқ даврада. **Рус тилида:** 18.25 — Ахборот. 18.35 — СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИГа бағишланган кўрсатув. **Узбек тилида:** 19.35 — **Икромжон Бўронов** қўйлайди. 20.15. — Ахборот. 20.30 — **Резидентнинг хатоси** (бадиий фильм, 1-серия). 21.40 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА. 21.40 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** — Музикани қандай тингламоқ керак. Бетховен симфонияси. 22.20 — Сиқатсаломатлик. 22.50 — Ярим аср филномаси. 1947 йил.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** — Телефильм. 19.00 — Реклама. 19.10 — **Унинг яшашдан мақсади** (бадиий фильм). 20.50 — Телеспектакль. 21.20 — Кармен балетидан саҳналар.

19 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** 19.05 — Ахборот. **Рус тилида:** 19.20 — **Узбек тилида,** «Бўстон». 20.35 — Ахборот. 20.50 — **«Бир келиб кетинг қишлоғимизга».** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 21.40 — **Рус тилида: «Қизлар фитнаси»** (бадиий фильм). 23.20 — МОСКВА».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — **Рус тилида:** Болалар учун кинофильм. 18.20 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. Телеспектакль (рус тилида). 19.10 — «Жаҳонинг машҳур созандалари». 19.50 — «Тўлқинда-02». 20.10 — Концерт. 21.30 — **«Бўрилар ва подалар»** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

20 АВГУСТ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Ахборот. **Рус тилида:** 19.20 — **Узбек тилида,** «Бўстон». 20.35 — Ахборот. 20.50 — **«Ассалом, болалар»** бадиий фильм, 12.25 — Ҳужжатли фильм, 15.00 — МОСКВА. 20.30 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида: «Икки ҳаёт»** (Бадиий фильмнинг 1-серияси). 22.05 — Физкультура ва спорт. Тележурнал. 22.35 — **Раъно Шарипова** қуйлайди. 23.10 — **«Икки ҳаёт»** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.35 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

21 АВГУСТ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** 10.00 — **«Каштанка»** мультфильм. 10.30 — Узбекистонда қозоқ адабиёти ва санъати декадаси олдидан. 10.55 — МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — **Узбек тилида: «Инжиқ малика».** Болалар учун мультфильм. 17.20 — Ахборот. **Рус тилида:** 17.35 — КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! 17.50 — Ғазалхон ёшлиги «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. 18.30 — Ахборот. 18.45 — Телефильм. 19.00 — Ёш ижрочилар концерти. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — Кўрсатувлар программаси. 20.30 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** **«Ассалом, болалар»** бадиий фильм, 12.25 — Ҳужжатли фильм, 15.00 — МОСКВА. 20.30 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида: «Икки ҳаёт»** (Бадиий фильмнинг 1-серияси). 22.05 — Физкультура ва спорт. Тележурнал. 22.35 — **Раъно Шарипова** қуйлайди. 23.10 — **«Икки ҳаёт»** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.50 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

22 АВГУСТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.20 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** 9.25 — В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг 50 йиллиги олдидан. 10.00 — Ёзувчилар болаларга. 11.00 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — **Рус тилида: «Звёздочка».** 18.30 — Ахборот. 18.50 — **«Замандас»** программаси (қозоқ тилида). 19.30 — **Узбек тилида:** «Қарши кундалиги». 19.40 — Ахборот. 20.00 — **«Узимиздан бири».** Бадиий фильм. 21.40 — Шоир **Мирмуҳсин** телестудия меҳмони 20.00 — Далаишлари кундалиги. 22.20 — **«Назим ва наво».** Мискин лирикаси. 24.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. **«Юзта дўст»** (рус тилида). 11.00 — Ўқувчилар учун. **Узбек тилида:** сенинг тенгдошларинг. 11.30 — **«Жўра»** (бадиий фильм). 16.00 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.50 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333253. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

А. — 186. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 04332.